

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги  
Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий Университети  
Фалсафа факультети

*Қўлёзма ҳуқуқида*

ТУЛОВОВ АВАЗ МАМАРАЕЛОВИЧ

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ҚИЁФАСИ:  
МАЗМУНИ, МОҲИАТИ

# МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Файласуф бакалавр даражасини олиш учун

Иш кўрилди ва ҳимоя  
қилишга рухсат берилди  
Миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа  
Кафедраси мудири  
Ф.ф.д. проф Б.Тўйчиев

Илмий рахбар  
академик Саид Шермухамедов

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2008 й

Тошкент – 2010 й

# **МАВЗУ: ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ҚИЁФАСИ: МАЗМУНИ, МОҲИАТИ**

## **РЕЖА:**

**КИРИШ:** Битирув малакавий ишининг долзарблиги, муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.

## **I-БОБ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ҚИЁФА ТУШУНЧАСИ, СТРУКТУРАСИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

I.I Маънавий-руҳий қиёфа тушунчаси

I.II Маънавий-руҳий қиёфа структураси ва функциялари

## **II БОБ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ҚИЁФАНИНГ МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ**

II.I Ўзбек халқи маънавий-руҳий қиёфасининг ўзига хос жиҳатлари унинг тарихий илдизлари

II.II Миллат руҳиятини миллий ғояда намоён бўлиши

## **III БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ КОНЦЕПЦИЯ АМАЛИЁТИДА ХАЛҚ МАЪНАВИЙ-ҚИЁФАСИНИНГ ЎРНИ**

III.I Мустақиллик даврида ўзбек халқининг маънавий-руҳий қиёфасидаги ўзгаришлар ва уларнинг демократик жамият қуришдаги аҳамияти

III.II Ўзбек халқи маънавий-руҳий қиёфаси такомиллашувининг истиқболлари

**ХУЛОСА:** қисқача илмий хулосалар ва аниқ амалий тавсиялар

## **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

**Битирув малакавий ишининг долзарблиги:** Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши – замонамизнинг энг муҳим воқеасидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, бу аввало одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроғи, юксалиб бораётгани билан белгиланади”. Айнан жамият тафаккуридаги жиддий ўзгаришлар, миллий маънавий-руҳий қиёфани миллий ғоя асосида шакллантириш эҳтиёжини замон талабига айлантирмоқда.

Маънавий-руҳий қиёфани ўрганиш, бизга, тарихимизнинг кейинги даврида халқимиз руҳияти ва дунёқарашида пайдо бўлган лоқайдлик, боқимандалик, маъсулиятсизлик, миллатпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларидан узоқлашиш кайфиятлари, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг сустлиги каби салбий ҳислатларнинг вужудга келганлик сабабларини очишимиз, жонкуярлик, ташаббускорлик, ватанпарварлик ва бошқа шу каби фазилатларни ривожлантиришнинг йўллари топиш имконини беради ва бу ислохотларни янада жонланиши учун замин тайёрлайди.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблигини яна қуйидагилар билан белгилаш мумкин:**

**Биринчидан,** ҳар бир шахс, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки тоифа, ҳар бир элат, миллат ва минтақа халқлари ўз табиати билан яратилган. Демак ҳар бирининг ўзига хос маънавий олами мавжуд. Бу маънавий олам эса маънавий-руҳий қиёфа тарзида намоён бўлади. Улар доимо бир хил сақланмайди, замон ва маконда ўзгариб, гоҳ камолот сари юксалиб, гоҳ қашшоқлашиб туради. Шу маънода ўзбек халқининг маънавий-руҳий қиёфасидаги ўзгаришлар моҳиятини англаш, бизга ислохотлар даврида бир қанча мавҳум бўлган муаммолар ечимини англаш имконини беради.

**Иккинчидан,** ҳар бир халқнинг маънавий-руҳий қиёфасига мос тарзда маданияти, оилавий ва ижтимоий муносабатлар тизими, диний эътиқодга нисбатан муносабати ва шу билан боғлиқ ҳаракатлари, кайфиятлари, ҳозирги даврда эса сиёсий жараёнларга муносабатлари ҳам шаклланади. Шу маънода, халқимиз миллий характеридаги барча ўзгаришлар, ҳозирги замон билан ҳамнафас бўлиши, шу билан бирга жаҳондаги глобаллашув жараёнларини ҳам ҳисобга олиши лозим. Зеро, глобаллашув миллатларнинг маънавий-руҳий қиёфаларига салбий таъсир этмоқда. Лекин бу миллий маънавият теваарагида тўсиқлаш тиклаш билан амалга оширилмаслиги керак. Бунинг учун ўзбек халқининг ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қаратилган миллий маънавий-руҳий салоҳиятини шакллантириш зарурдир. Бунинг учун маънавий-руҳий қиёфанинг структураси ва функцияларини чуқур тадқиқ қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

**Учинчидан,** Ўзбекистон фуқароларининг маънавий-руҳий қиёфасини янгилаш борасида жуда катта ишлар қилинаётган ҳозирги кунда бирқанча муаммолар ҳам борлигини эътиборга олиш лозим. Зеро, аҳолининг кўп миллатли эканлиги ва ҳар бир миллат вакиллари менталитетининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик анъаналари ҳанузгача ривожланишга маълум даражада салбий таъсир кўрсатиб келаётганлиги ва бошқалар билан ҳисоблашиш зарурлигини унутмаслигимиз зарур.

## Муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси.

Ўзбек халқининг маънавий-руҳий қиёфаси мавзуси республикаимиз олимлари тамонидан махсус ўрганилмаган бўлсада, мавзунинг алоҳида йўналишлари бўйича маълумотларни кўплаб файласуф олимларимиз асарларидан олишимиз мумкин;

Биринчи навбатда эътироф этиш керакки, Президентимизнинг барча асарларида халқимизнинг маънавий қиёфаси, менталитети ҳақида кўплаб долзарб фикрлар билдирилган. Жумладан, “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида Шарк оламида жамоа бўлиб яшаш туйғусининг ғоят муҳим аҳамият касб этишини, одамларни тарқоқ бўлиб яшашга имкони йўқлиги, ҳаётни ўзи уларни шу руҳда тарбиялаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>. Бошқа кўпгина асарларида маънавий-руҳий қиёфанинг таркибий қисмлари бўлган урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ҳақида ўз қарашларини билдирган<sup>2</sup>.

Маънавий-руҳий қиёфани миллий менталитет, миллий характер, этнопсихологик жиҳатдан ўрганган олимларни биринчи гуруҳга киритамиз.

Бекмуродов М. нинг “Ўзбек менталитети” асарида ўзбек халқи миллий менталитетининг кечаси ва бугуни ўз ифодасини топган. Бу асарда ўзбек халқининг ҳозирги ментал қиёфаси ҳақида ўзига хос фикрлар билдирилган<sup>3</sup>.

Мадаева Ш. нинг “Миллий менталитет ва демократик тафаккур” монографиясида бевосита ўзбек миллий менталитетининг шаклланиш босқичлари илмий ўрганилган<sup>4</sup>.

Қуронов М. нинг “Ўзбек характери ва миллий ғоя” рисоласида ўзбек характеридаги ўзгаришларнинг ислохотлар даври учун аҳамияти ва ўзбек миллий характерининг бошқа халқлар билан қиёсий таҳлили берилган<sup>5</sup>. “Миллий тарбия” асарида эса буюк келажакни пойдевори бўлмиш ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш миллий ривожланишнинг асоси эканлиги асосланган<sup>6</sup>.

Қодиров А. нинг “Анъанавий жамиятни модернизация қилиш стратегияси” рисоласида ўзбек жамиятини социологик таҳлили берилиб, унда миллий маънавий қиёфанинг камчиликлари кўрсатилган. Агар улардан халос бўлиш йўли топилмаса миллий хавфсизлигимизга жиддий зиён етиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган<sup>7</sup>.

Эркаев А. нинг “Тафаккур эркинлиги” асарида миллий тафаккуримизнинг илғор ҳамда қалоқ жиҳатлари кўрсатилган. Бу асарда ўзбек халқи маънавий қиёфасидаги ўзгаришларни амалга оширишда қандай хусусиятлар устувор бўлиши лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган<sup>8</sup>. “Миллий ғоя ва маънавият” асарида миллий маънавий қиёфамизнинг такомил босқичлари очиб берилган. Маънавият тушунчасига ўзига хос таърифлар келтирилган. Шунингдек бу асарда маргинал маданиятнинг қарор топиши ва унинг ўзбек маънавий қиёфасидаги салбий жиҳатлари ҳақида фикрлар билдирилган<sup>9</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 й. 7-8 б

<sup>2</sup> Каримов И.А. Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – 8-том, Т.: Ўзбекистон, 2000 й, 3-8, 58-62 бетлар.

<sup>3</sup> Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. - Т.: Янги аср авлоди, 2004 й.

<sup>4</sup> Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. – Т.: 2008 й.

<sup>5</sup> Қуронов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2005 й.

<sup>6</sup> Қуронов М. Миллий тарбия. – Т.: Маънавият, 2006 й.

<sup>7</sup> Қодиров А. Анъанавий жамиятни модернизация қилиш стратегияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2008 й.

<sup>8</sup> Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. – Т.: Маънавият, 2008 й.

<sup>9</sup> Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2002 й.

Худойбердиев И. нинг “Ислом, шахс ва миллий психология” асарида ислом динининг миллий маънавий қиёфамизга таъсири тадқиқ қилинган. Миллийлик ва динийлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатиб ўтилган<sup>10</sup>.

Профессор И.М.Жабборовнинг тадқиқотларида ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ва унинг этномаданиятида, турмуш тарзида содир бўлган эволюцион жараёнлар очиб берилган.<sup>11</sup>

Қувватов Н. нинг “Ўтиш даври тафаккури” рисоласида ўзбек халқининг ўтиш даври тафаккуридаги ўзгаришлар кўрсатиб ўтилган<sup>12</sup>. Отамуродов С. нинг “Глобаллашув ва миллат” асарида миллий маънавий қиёфанинг ҳимояловчи функцияси ва маънавий-руҳий салоҳиятни шакллантириш йўналишлари ҳақида ўзига хос фикрлар билдирилган<sup>13</sup>.

Маънавий-руҳий қиёфанинг баъзи масалалари ўрганган олимларнинг иккинчи гуруҳига Россиялик олимлардан Р.Г.Абдуллатипов<sup>14</sup>, Ю.В.Бромлей<sup>15</sup>, Р.А.Додонов<sup>16</sup>, Л.Н.Гумелев<sup>17</sup>, О. Бауер<sup>18</sup>, П.И. Гнатенко<sup>19</sup>, Т.Г. Стефаненко<sup>20</sup>, Н. Бердяев<sup>21</sup> ва бошқаларни киритиш мумкин. Рус тилида ижод қилувчи, миллий масалаларни тадқиқ қилган Н. Жандильдин<sup>22</sup> ни ҳам киритишимиз мумкин Умуман, россиялик ва бошқа миллат олимларининг мазкур масалани комплекс ўрганишга бўлган эътибори ошиб бораётганлигини қайд этиш керак.

Учинчи гуруҳга, маънавий-руҳий қиёфани сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатлар билан алоқадор тамонларини ўрганган олимларни киритишимиз мумкин.

Жўраев Н. “Янгилашлар концепцияси”<sup>23</sup>, Иброҳимов А. “Бизким, ўзбеклар, миллий давлатчилигимиз тарихи”<sup>24</sup>, Имомназаров М. “Миллий маънавиятимиз такомил босқичлари”<sup>25</sup>, Саифназаров И. “Бозор иқтисодиёти ва шахс камолоти”<sup>26</sup>, Сулоймонова Ф. “Шарқ ва Ғарб”<sup>27</sup>, Фитрат “Танланган асарлар”<sup>28</sup> ва бошқа олимлар бу мавзунини баъзи жиҳатларини ёритишган.

#### **Тадқиқотнинг мақсади:**

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек халқи маънавий-руҳий қиёфасининг мазмун, моҳиятини ёритиш ва ундаги ўзгаришларни демократик жамият қуришдаги аҳамиятини кўрсатиш.

<sup>10</sup> Худойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология. – Т.: Фан, 1994 й.

<sup>11</sup> Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси. - Тошкент: Ўқитувчи. 1994; Ўзбеклар (аънавий хўжалиги, Турмуш тарзи ва этномаданияти) - Тошкент: Шарқ, 2008.

<sup>12</sup> Қувватов Н. Ўтиш даври тафаккури. – Т.: Маънавият, 2006 й.

<sup>13</sup> Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат – Т.: Янги аср авлоди, 2008 й.

<sup>14</sup> Абдуллатипов Р.Г. Человек. Нация. Государство. - М.: Политиздат, 1991.

<sup>15</sup> Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. - М.: Наука, 1973; Этносоциальные процессы: теория, история, современность. - М.: Наука, 1987.

<sup>16</sup> Додонов Р.А. Этническая ментальность: опыт социально философского исследования. - Запорожье: Р.А. Тандея- У, 1998.

<sup>17</sup> Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. -Л.: 1990; Конец и вновь начало. Популярные лекции по народоведению. -М. Ролф, 2000.

<sup>18</sup> Бауер О. Национальный вопрос и социал-демократия

<sup>19</sup> Гнатенко П.И. Национальная психология. – М.: 1995 г.

<sup>20</sup> Стефаненко Т.Г. Этнопсихология. – М.: 1999г.

<sup>21</sup> Бердяев Н. Смысл в истории. М.: Мысль, 1990г.

<sup>22</sup> Жандильдин Н. Природа национальной психологии. – Алма-Ата, 1971г

<sup>23</sup> Жураев Н. Янгилашлар концепцияси. Т. Маънавият, 2000 й

<sup>24</sup> Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар, миллий давлатчилигимиз тарихи. – Т.: Маънавият, 2003 й., Ўзбек маҳалласи. – Т.: 2002 й

<sup>25</sup> Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз такомил босқичлари. – Т.: Шарқ, 1996 й.

<sup>26</sup> Саифназаров И. Бозор иқтисодиёти ва шахс камолоти. – Т.: Шарқ, 1996 й.

<sup>27</sup> Сулоймонова Ф. Шарқ ва Ғарб – Т.: Ўзбекистон, 1997 й.

<sup>28</sup> Фитрат Танланган асарлар. I ва II жилдлар. – Т.: Маънавият, 2000 й.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- маънавий-руҳий қиёфа тушунчаси, структураси, функцияларини ўзига хос ёндашувлар билан таҳлилий ёритиб бериш;
- маънавий-руҳий қиёфанинг миллий асослари тарихий илдизларга боғлиқлиги ва унинг миллат руҳиятида намоён бўлинишини кўрсатиб бериш;
- маънавий-руҳий қиёфанинг миллий ғоя билан уйғунлигини ўрганиш ва уни амалий аҳамиятини очиб бериш;
- ўзбек халқи маънавий қиёфасининг истиқболдаги ўзгаришлари ҳақида муайян хулосалар чиқариш.

### **Тадқиқотнинг назарий методологик асослари:**

Ўзбек халқининг маънавий-руҳий қиёфаси тушунчасининг илмий асосларда тадқиқ этишда Л.Н.Гумелев , О. Бауер , П.И. Гнатенко , Т.Г. Стефаненко , Н. Бердяев ва бошқа шу каби олим ва файласуфларни илмий фаолиятлари орқали қўлга киритилган илмий натижаларига таянилди. Шунингдек мамлакатимизда самарали илмий фаолият олиб бораётган файласуф олимларимиз М.Бекмуродов, Ш.Мадаева, А.Қодиров, М. Қуронов, А.Эркаев, Н.Қувватов, С.Отамуродов, И.М.Жабборов, У.Х.Қорабоев ва бошқаларнинг ўзбек халқининг маънавий-руҳий қиёфаси масалаларига доир бир қанча илмий фикр мулоҳазаларига таяниб мустақил фикр юритишга ҳаракат қилинди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги.**

- Малакавий битирув ишида ўзбек халқининг маънавий-руҳий қиёфаси масаласи илк бор алоҳида таҳлил объекти сифатида ўрганилди. Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагиларда намоён бўлади:

- маънавий-руҳий қиёфа тушунчаси, структураси, функциялари ёритиб берилди;
- ўзбек халқининг маънавий-руҳий қиёфаси шаклланиш босқичлари ўзига хос тарзда таҳлилий ёндашувлар орқали ёритиб берилди;
- миллат руҳиятининг миллий ғояда намоён бўлиши ва унинг амалий аҳамияти очиб берилди;
- мустақиллик йилларида маънавий-руҳий қиёфадаги ўзгаришлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди;
- ўзбек халқи маънавий-руҳий қиёфаси такомиллашувининг истиқболлари очиб берилди.

### **Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти:**

Илмий тадқиқот натижаларидан хулоса, таклиф ва тавсияларидан олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли ўқув юртлари ва ижтимоий соҳа факультетларида, академик лицей, касб ҳунар коллежларида, “Фалсафа”, “Ижтимоий фалсафа”, “Маънавият асослари”, “Диншунослик”, “Миллий истиқлол ғояси” каби махсус курс ва фанларидан дарс ўтишда самарали фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми:** Малакавий битирув иши 61 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат

# **I-БОБ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ҚИЁФА ТУШУНЧАСИ, СТРУКТУРАСИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

## **I.1 Маънавий-руҳий қиёфа тушунчаси**

*Халқимизнинг келажаги энг аввало унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқ.*

*Ислом Каримов*

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларини янгича мазмун билан бойитди. Бу ютуқларга Республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуриш Концепцияси назарий асос бўлиб хизмат қилди. Бу концепцияда миллатимизнинг маънавий-руҳий ҳаётининг ажралмас қисми бўлмиш ўзига хос урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва менталитет қатъий ҳисобга олинган. Ҳозирги кунда фуқоролар онгига мустақиллик, ватанпарварлик, садоқат каби тушунчаларни сингдириш, келажақда буюк давлатнинг муносиб фарзандларини камол топтириш, айти пайтда уларнинг онгида мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик маънавий-руҳий ҳаётимизнинг энг муҳим талабидир. Бугунги демократик жамиятимиз тараққиётида маънавий-руҳий муҳит ва унинг асосларини ташкил қилувчи маънавий омиллар муҳим ўрин тутди. Чунки «бугунги кунда халқимизга азалдан хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби инсоний фазилатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда ва бундай маънавий муҳит одамларнинг руҳи ва кайфиятига ижобий таъсир қилмоқда»<sup>29</sup>.

Маънавий-руҳий ҳаётнинг тараққиёти учун Президентимиз 1992 йилдаёқ, “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, деганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч қудратидир”<sup>30</sup>, - деб таъкидлаган эдилар.

Ана шу кўрсатмага мувофиқ маънавий-руҳий муҳитни яхшилаш ва уни мустақиллик даври руҳияти билан уйғунлаштириш, мамлакатда амалга оширилаётган барча ишларда унга таяниш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан Президентимизнинг 1994 йил 23 апрелда Республикамизда “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини тузиш тўғрисида”, 1996 йил 9 сентябрда эса “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”, 1999 йил 3 сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” Қарори ва 1998 йил 24 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, махсус қарори қабул қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузасида Ўзбекистоннинг XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиши устувор йўналишларини

<sup>29</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон. 2007. 28 б.

<sup>30</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992. 34 б

белгилаб берар экан, “Иккинчи устувор йўналиш жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат”лигини таъкидлаб ўтдилар. Шу ўринда бу устувор йўналишни юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг моҳиятида ҳам кўришимиз мумкин. Унда, айниқса, халқимизнинг маънавий-руҳий тикланиши борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазавордир.

Мустақиллик шарофати билан маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Мустақилликка эришилган 1991 йилда А. Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Бу туйга республикада катта тайёргарлик кўрилди ва у халқнинг юксак маданият байрамига айланди. Аввало, буюк шоирнинг 20 жилдлик мукаммал асарлар тўплами нашр этила бошланди. Бундан ташқари "Лисон ут-тайр", "Сабаъи сайёр", "Фарход ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Ҳайрат-ул аброр", сингари шох асарлари алоҳида-алоҳида ҳолда бир неча минг нусхада босмадан чиқарилди.

1994 йилнинг ҳукумат қарори билан Улуғбек йили деб эълон қилиниши, унинг 600 йиллигининг Ўзбекистонда ва жаҳон миқёсида кенг нишонланиши ҳам буюк аллома қолдирган илмий мероснинг умуминсоний қадриятга айланганлиги нишонасидир.

Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий, 1200 йиллиги кенг нишонланган Ахмад Фарғоний ва бошқа кўплаб аждодларимиз миллий маънавий-руҳий қиёфанинг шаклланишида ўзининг улкан ҳиссасини қўшган алломалар сифатида халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолди. 2500 йиллик юбилейлари ўтказилган Бухоро ва Хива шаҳарлари, ҳамда кўҳна Самарқанднинг 2750 йиллик саналарининг байрам қилиниши ва бу шаҳарларнинг бутун инсоният учун муқаддас зиёратгоҳларга айланиши айниқса аҳамиятлидир.

Мамлакатимизнинг ижтимоий - маданий ҳаётида катта воқеа бўлган икки муҳим сана – озодлик, мардлик ва қудрат тимсоли бўлган Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги ҳамда аждодларимиз даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги ҳисобланган "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Президентимиз И. Каримов "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқларида бу достоннинг аҳамиятига юксак баҳо бериб, шундай дедилар: "Алпомиш" - ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танти халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаётган қаҳрамонлик қушиғидир. "Алпомиш" достони - бутун ўзбек халқининг маънавий мулкидир"<sup>31</sup>.

Мустақиллик даври том маънода буюк давлат арбоби Темурнинг қайта туғилиш даври булди. Амир Темурга муносабат, унинг тарихий хизматини муносиб баҳолаш ва иззатини ўрнига қўйишда шахсан Президент И. Каримовнинг ўзи ташаббускор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрдаги "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори, Президентнинг 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиш тўғрисидаги 1995 йил декабрдаги фармони Амир Темур қадриятини тиклашда муҳим аҳамият касб этди.

Ислом оламининг забардаст алломалари ва ватандошларимиз имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин

<sup>31</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2000 й. 164 б

Кубронинг 850 йиллиги, Баҳовуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги ва машҳур муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги кенг кўламда нишонланиши юртимизда иймон, дину диёнат қайтадан юксалаётганига эркин далил бўлди. Бу азиз ва мукаррам зотларнинг бой маънавий мероси қайта жонлантирилиб, бебаҳо асарлари чоп этилди, номлари абадийлаштирилди.

Юртимизда амалга оширилаётган барча маънавий соҳадаги ишларда маънавий-руҳий муҳитни замонавий ҳамда тарихий тараққиётнинг ютуқлари асосида соғломлаштириш ва миллий ўзликни англаш орқали маънавий-руҳий қиёфани шакллантириш, пировард мақсад эканлигига асосий эътибор қаратилмоқда. Бу эса маънавий-руҳий қиёфани татқиқ этишни тақазо этмоқдаки, буни инкор этиб бўлмайди.

Маънавий-руҳий қиёфа тушунчасининг моҳиятида маънавий ҳаёт асосий ўрин эгаллайди. Бу эса маънавият аслида қандай тушунча эканлигини англаб олишимиз керак деганидир.

“Маънавият” тушунчасига илмий, фалсафий, адабий, ахлоқий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларни келтириш мумкин. Бу борада, кейинги йилларда олимларимиз томонидан тайёрланган илмий мақолалар, рисоалар, ўқув қўлланмалар, луғатларда “Маънавият” тушунчаси ва унинг тамойилларига ўзига хос изоҳ ва таърифлар бериб келинмоқда. Бунга сабаб “Маънавият” тушунчаси кенг маънода жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этган ижтимоий-маънавий ҳодиса эканлигидир.<sup>32</sup>

Унга таъриф беришда Президентимиз Ислом Каримовнинг назарий қарашларига, миллий қадриятларимизни, тарихий ва маданий-маънавий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятларига таянишимиз мақсадга мувофиқ. Юртбошимиз «Юксак маънавият- энгилмас куч» асарида: «Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»<sup>33</sup> - деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий-руҳий қирралари қамраб олинган бўлиб ундан, биз, маънавий-руҳий қиёфанинг мазмуни ҳақида фикр юритганда асосий моҳият сифатида таянишимиз мумкин.

Маънавий-руҳий қиёфа тушунчасининг мазмун, моҳияти ҳақида юртимиз олимлари айни шу номда бўлмасада татқиқ қилишган. Президентимизнинг барча асарларида бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтилган. Президентимизнинг машҳур асари “Юксак маънавият - энгилмас куч” асарида шундай дейилади “Шарқ оламида жумладан, ўзимизнинг Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси ғоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир-бирига яқинлаштиришга, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечиришга замин туғдиради. Шу маънода халқимизнинг турмуш тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар мобайнида шаклланган, нафақат ўзаро муомила, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз”<sup>34</sup>. Ҳозирда бу мавзунини тадқиқ қилишга ўзбек олимларидан

<sup>32</sup> Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 18 бет

<sup>33</sup> Ўша асар. 19-бет.

<sup>34</sup> Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 8 б

Бекмуродов М. “Ўзбек менталитети”, “Ўзбек менталитети ва раҳбар масъулияти”, Қувватов А. “Ўтиш даври тафаккури”, Эркаев А. “Тафаккур эркинлиги”, “Миллий ғоя ва маънавият”, Мадаева Ш. “Миллий менталитет ва демократик тафаккур” ва бошқа олимлар ҳисса қўшмоқдалар.

Маънавий-руҳий қиёфани ўрганиш, бизга, тарихимизнинг кейинги даврида халқимиз руҳияти ва дунёқарашида пайдо бўлган лоқайдлик, боқимандалик, маъсулиятсизлик, миллатпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларидан узоқлашиш кайфиятлари, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг сустлиги каби салбий ҳислатларнинг вужудга келганлик сабабларини очишимиз, жонкуярлик, ташаббускорлик, ватанпарварлик ва бошқа шу каби фазилатларни ривожлантиришнинг йўллари топиш имконини беради ва бу ислохотларни янада жонланиши учун замин тайёрлайди.

Маънавий-руҳий қиёфа кўп жиҳатдан миллий руҳият тушунчаси билан боғлиқликда тадқиқ этилади. Зеро, миллий руҳият ички олам бўлса, қиёфа ўша ички оламини ташқи кўриниши ҳисобланади. Шу маънода, биз, миллий руҳият ҳақида тўхталишни лозим деб биламиз.

XX асрда Европада янги бир ғоя - "Халқ руҳи" кенг тарқала бошлади. Бу ғояга кўра ҳар бир халқ, этник гуруҳ аввалдан инстинктив равишда берилган ўз "руҳи"га эга бўлган экан.

Бу руҳ халқнинг сиёсий тизимини, эътиқод ва ишончини, диний қарашларини бошқариб туради деб тушунтиради. "Халқ руҳи" назариясини тўла баёни айниқса Гегел фалсафасида тадқиқ қилинади. Гегел ҳар бир халқнинг ўтмиши ва келажагини мана шу "Мутлоқ руҳ" билан боғлаб тушунтиради. Турли халқларнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий ҳатто ирқий тафовутларнинг асосини ҳам шу "руҳ" ташкил этади, деб кўрсатади. У географик муҳитни мутлақлаштириб халқларни бутун руҳиятини унга боғлаб қўяди. Гегелнинг талқинини кейинчалик қайтадан кўриб чиққан файласуфлар кўп бўлди. Лекин халқ руҳи тушунчаси жаҳонда кенг қўлланила бошлагани унинг асосий хизмати бўлди. Бу ғоядан мустамлакачилар ўз сиёсатларини оқлаш учун фойдаланганликлари натижасида унга нисбатан салбий муносабат сақланиб келмоқда.

Жаҳон тарихига назар соладиган бўлсак, инглизлардаги кучли тадбиркорлик, ташаббускорлик ва тарбиядаги каттиққўллик ҳислати, немислардаги ўта масъулиятлилик ва ўзига ишонч ҳислари, японларнинг миллатпарварлиги ва жамоа манфаатини эъозлашлари, французлардаги доимо янгиликка ва эркин фикрлашга интилиш бу халқлар яшаётган юртларни дунёда энг тараққий этган мамлакатларга айлантирди. Бу фикрдан ҳар бир халқнинг ўзига хос руҳияти мавжудлигини англашимиз мумкин бўлади. Н. Бердяев бу ҳақда шундай фикр билдиради: “Франциянинг ўрта асрлардаги ва XX асрдаги руҳи тарихда барча нарса таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетган бўлсада, айнан бир хил миллий руҳдир... Германия бир вақтлар Франция ва Англияга нисбатан иқтисодий, сиёсий жиҳатдан қалоқ бўлган, ғарбга нисбатан шарқ ҳисобланар эди. Вақти келиб Германия илғор ғарбий маданиятни қабул қилди ва ривожланиб кетди. Бу билан у ўзининг миллийлигини, ўзига хос бўлган руҳини йўқотдими? Асло йўқ...”<sup>35</sup>

Лекин миллий руҳ хусусиятларини мутлақлаштириб юборишнинг салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Бундай бирёқламалик миллатчилик, шовинизмга ҳам олиб

<sup>35</sup> Бердяев Н.А. Судьба России - М.:1990. с.96-97

келиши мумкин. Шундай экан маънавий-руҳий қиёфани умуминсоний қиёфадан ажратмаган ҳолда, бир бутунликда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий маънавий-руҳий қиёфа маълум миллат ва этник бирлик вакилларининг ўзига хос руҳий қиёфаси, дунёқараши, тафаккур тарзи ҳисобланади. Ҳар бир халққа хос бўлган миллий характер, урф - одат ва анъаналар, миллий онг ва миллий ўзини-ўзи англаши ва уларнинг намоён бўлиши, ўзгариши ва ривожланиши каби масалалар ҳам маънавий-руҳий қиёфа доирасига тадқиқ қилинади. Маънавий-руҳий қиёфани намоён бўлишида миллий руҳият алоҳида аҳамият касб этади. Мисол учун яҳудийларнинг кўпчилиги ҳатто ўз тилини билмайди, бошқа миллатлар маданиятига мансуб бўлсада, улар ўзларини ҳамиша яҳудий ҳисоблайдилар. Бундай кўриниш АҚШда яшовчи венгерлар, поляклар, немисларга ҳам тааллуқлидир. Миллат руҳияти инсон маънавий дунёсини қамраб олган бўлади. Бу тушунча ва тасаввур, тафаккур ва ҳиссиёт шаклида намоён бўлади. Бу ҳолат инсоннинг жуда мураккаб нозик хусусиятларидан бўлиб, баъзи ҳолларда иррационал, яъни ҳеч қандай қонун қоидаларга бўйсунмайди.

Аристотел борлиққа нисбатан умумийлик ва алоҳидалик категорияларини киритди. Биз, бундан фойдаланган ҳолда, турли халқлардаги маънавий-руҳий қиёфанинг мавжудлигини ана шу умумийлик ва алоҳидалик орқали намоён бўлади деб асослаймиз. Зеро, алоҳидалик бўлмаса, унда умумийлик ҳам бўлмайди. Маънавий-руҳий қиёфани алоҳида шахслар ўзида ҳис этгани учун, шулардан ташкил топган гуруҳлардан иборат умумийликда ҳам бу қиёфа мавжуд бўлади.

Маънавий-руҳий қиёфа тарих ва ижтимоий муҳитнинг маҳсули, у ўтмиш авлодларнинг тажрибалари билан биргаликда шаклланади. Асосий тарихий ва ижтимоий муҳитга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- хўжалик фаолиятининг шакллари;
- у ёки бу хўжалик юритишнинг тажрибаси;
- халқнинг ўзига хос турмуш тарзи;
- табиий муҳит ва иқлим, ижтимоий ҳаёт шаклига таъсир этувчи демократик омил;
- маданият, тил, урф-одат ва анъаналардаги махсус тамонлар ва бошқалар.

Маънавий-руҳий қиёфа тушунчаси ҳақида сўз кетганда, барчада, бу тушунча миллий менталитет ёки миллий характерни айнаи ўзи эмасми деган савол туғилиши табиий, ҳақиқатдан ҳам бу тушунча миллий менталитет, миллий характер тушунчалари билан боғлиқ, лекин айнаи бир нарса эмас, зеро бу тушунчалар маънавий-руҳий қиёфа тушунчасида бир бутунлик касб этади. Маънавий-руҳий қиёфа тушунчаси умумийлиги билан миллий менталитет ва миллий характерни ўз ичига қамраб олади ва муайян халқнинг умумий “кўриниши” маъносида англатади.

Ҳар бир шахс, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки тоифа, ҳар бир элат, миллат ва минтақа халқлари ўз табиат билан яратилган. Демак ҳар бирининг ўзига хос маънавий олами мавжуд. Бу маънавий олам эса маълум маънода маънавий-руҳий қиёфа тарзида намоён бўлади. Улар доимо бир хил сақланмайди, замон ва маконда ўзгариб, гоҳ камолот сари юксалиб, гоҳ қашшоқлашиб туради.

Миллий маънавий-руҳий қиёфа, миллатнинг атрофдаги воқеликни, ҳодисаларни ўзига хос равишда идрок, тафаккур, тасаввур қилиши уларга бўлган муносабатнинг урф-одат, анъаналар, характер тарзида намоён бўлишини англатади. Бу эса, ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, бирининг иккинчисига ўхшамайдиган хусусиятларга эга эканлиги, ўзгаларнинг маънавий-руҳий ҳолатини айнан қабул қила олмаслиги

билан боғлиқ эканлигининг далилидир. Бир миллатнинг маънавий-руҳий салоҳияти шакл ва мазмун жиҳатидан иккинчисида такрорланмаслиги, уларнинг илғор қирралари орқали умумбашарийликка дахлдор бўлган маънавий борлиқни вужудга келтириши билан изоҳланади. Бу борлиқ эса ўз-ўзидан тушунарлидир. У маънавий қиёфа деб аталади. Ўз маънавий қиёфасини йўқотган миллат йўқолган миллатдир. Маънавиятнинг такомили эса, ўша миллатга мансуб ҳар бир шахснинг маънавий камолоти билан бевосита боғлиқ ва ушбу заминга таяниб юксалади. Миллий маънавият тарихий ҳодиса, ўзбекнинг маънавий такомили, немис ёки хитой халқи бошидан кечирган тарихий жараёнлардан бутунлай фарқ қилувчи сиёсий-маданий макон ва замонда юз берган. Ҳар бир халқ моҳиятан умуминсоний бўлган кадриятларни тамомила ўзига хос шакл-у шамоийлда ифода этишининг сири шунда.

Шу билан бирга, ҳар бир халқнинг маънавий-руҳий қиёфасига мос тарзда маданияти, оилавий ва ижтимоий муносабатлар тизими, диний эътиқодга нисбатан муносабат ва шу билан боғлиқ ҳаракатлар, кайфиятлар ҳозирги даврда эса сиёсий жараёнларга муносабатлар ҳам шаклланади.

Илмий адабиётларда у ёки бу халқнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, аввало, уларнинг маънавий ижодиётини таҳлил қилишдан бошланади деб кўрсатилган<sup>36</sup>. Чунки халқ ўз тарихини, турмуш тарзини, орзу-истакларини моддий ва маънавий намуналарида акс эттириб келган.

Маънавий-руҳий қиёфанинг турли-туман томонлари бир қарашда қандайдир фаҳмлаб тушуниб олиши қийин бўлган воқеликдек бўлиб кўриниши мумкин. Бу албатта юзаки қарашда масаланинг моҳиятига чуқур киришишмасдан вужудга келадиган тушунча. Аслида маънавий-руҳий қиёфа моддий жиҳатдан кўзга ташланиб турадиган характерга эга бўлиб, фақат маданиятнинг турли-туман кўринишларини ўрганиш орқали уни фаҳмлаб олиш мумкин бўлади.

Мисол учун, миллий санъат ва адабий асарларда кишиларнинг воқеликнинг ўзига хос идрок қилиши натижасида ҳосил бўлган тасаввурлари, урф-одатлари, анъана ва кадриятлари акс этади. Бунда маънавий-руҳий қиёфа айниқса халқ оғзаки ижодиёти дoston ва эртақларда, мақол ва маталларда, мусиқа, кўшиқ ва рақсларда тўла намоён бўлади. Ўзбек халқи Гўруғли, Алпомиш, Тумарис, Широқ ва Хўжа Насриддин образларида ўз маънавий фазилатини, куч-қудратини, орзу истагини, ақл-заковатини мужассамлаштирган. Миллий заминда яратилган бу қаҳрамонлар, бу миллат ва халқ вакиллари онги, қалбига чуқур бориб, унга руҳий жиҳатдан таъсир кўрсатади. Ёш авлод бу қаҳрамонларга ўхшашликка, улардан намуна олишликка, улар қилган қаҳрамонликларни такрорлашга ҳаракат қиладилар.

Масалан:

Нечоғлик сабот бор ёвқур Широқда,  
Эр йигитов тупга кўксин босар жим  
Раҳимов ғанимга ташланган чоғда,  
Алпомиш шиддатин пайқамаган ким?!

деб ёзади бу тўғрисида Абдулла Орипов "Генетика" шеърисида.

Адабиёт ва санъат асарлардаги миллий образлар маънавий-руҳий қиёфани ўрганиш учун зарур бўлган асосий манбалар ҳисобланади. Машҳур ёзувчилар, бастакорлар, муйқалам соҳиблари халқ ҳаётини яқин билганликлари учун ҳам халқ

<sup>36</sup> Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. Т.: Фан, 1994 й. 143 б

ҳаётини тасвирловчи ажойиб образларни яратганлар. Зеро, жаҳон маданиятининг нодир асарлари доимо ўз миллий заминга эга бўлади.

Маънавий-руҳий қиёфа, миллий маданиятнинг хусусиятлари, унинг ички руҳияти мақоллар, маталлар, ўхшатиш ва нутқда яққол намоён бўлади. Ҳар бир халқ ўзининг ўткир мақол ва маталига, тасвирий иборасига эга. Тилдаги бу тасвирилиқ бевосита халқнинг ҳаёти ва маиший турмуши, унинг тарихи ва табиати билан боғлиқ бўлади. Бу ерда халқ ўз дид ва таъбиға, ўз буёқлари ва мойқаламига, борлиқни ўзига хос равишда идрок этувчи санъткор сифатида намоён бўлади. Файласуф В. Даль мақол ва маталларни "халқнинг юрувчи ақл-идроқи"<sup>37</sup>, деб атаган эди. Мақол ва маталлар, ҳикматли гаплар тасодифан ҳаёлга ёки тилга келиб қолган шунчаки гаплар бўлмасдан, неча асрлар, неча авлодларнинг ақл-заковат чиғиридан ўтиб сайқалланган халқ донолигидир. Аждодларимиз яратган бундай ҳикматли гаплар неча авлодларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириб келган. Ҳар бир давр мақол ва маталлар ҳазинасидан ўз давр руҳига мос келадиганини танлаб олади. Ўзбек халқига хос бўлган кексаларни ҳурматлаш, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик каби фазилатларнинг кенг ривожланганлиги шунга бориб тақалади.

Маънавий-руҳий қиёфа, айниқса миллий рақсларда ва мусиқада ёрқин намоён бўлади. 1896 йил Нижний Новгород шаҳрида бўлиб ўтган. Бутун Россия қишлоқ хўжалиқ кўргазмасида, Россияда биринчи марта ўзбек халқ созандалари концерт беришган. Мана шу концертда бўлган М. Горкий кейинчалик бундай деб ёзган эди: "бир неча кун аввал кўргазмадаги мусиқали товушлар оламига қандайдир янги, ғоят вазмин, қайғу-аламли куйлар оқиб кирди... Дикқат билан тинглар экансиз, сиз бу ғалати мусиқанинг мунгли оҳангида қандайдир ўзига хос бир нарсаяратаётганини ҳис этасиз. Бу саркаш мусиқада чексиз, битмас-туганмас ғам-қайғулар эшитилади. Мувафакқиятсизлик ва турмуш азоб-уқубатлари ҳақида куйловчи оғир мусибатни англатувчи мусиқа янграйди"<sup>38</sup>.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг оғир турмуши, иқтисодий ва сиёсий тенгсизлиги, мустамлакачилик зулми, бутун руҳияти улар яратган куй ва қўшиқларда ифодаланган.

Шундай қилиб, маънавий-руҳий қиёфа деганда, биз, маълум шахс, ижтимоий гуруҳ ёки тоифа, элат ёки миллатларнинг ўз табиати билан яратилганлигини, уларнинг ўзига хос руҳий қиёфаси, атрофдаги воқелиқни, ҳодисаларни ўзига хос равишда идрок, тафаккур, тасаввур қилиши, уларга бўлган муносабатларнинг урф-одат, анъаналар, характер, менталитет тарзида намоён бўлишини тушунамиз.

<sup>37</sup> Гнатенко П.И. Кострюкова Л.И. Национальная психология. – М.: 1994 г, с 156.

<sup>38</sup> Сатторова Г. Миллий характер ва бадиий тафаккур. - Т.: Маънавият, 2002 й., 78 б.

## I. II Маънавий-руҳий қиёфа структураси ва функциялари

*Халқ – ўзининг минг йиллик анъана  
ва тажрибалари сўнмас хотираси ва буюк  
туйғулари билан яшаб келаётган қудратли  
куч.*

Ислом Каримов

Маънавий-руҳий қиёфа структураси энг аввало маънавий-руҳий ҳаёт билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттиради. Бу эса маънавий-руҳий қиёфа структурасини миллий характер, миллий тил, миллий онг ва миллий ўзликни англаш, миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни ташкил этишини ҳамда маълум маънода бирор бир халқнинг умумий “кўринишини”, унинг ўтмиши ва келажаги ўртасида боғловчилик вазифасини ўташини англатади. Унинг таркибий қисмларини ўрганиш, асосий мақсадга, яъни маънавий-руҳий қиёфа тушунчасининг мазмун моҳиятини очиқ беришга ёрдам беради. Шундай қилиб, биз маънавий-руҳий қиёфа структурасининг ядроси ҳисобланган миллий характер тушунчасининг моҳиятига эътиборни қаратамиз.

Характер сўзи, ўзбекча тийнат, табиат, феъл-атвор тушунчаларига тўғри келади. Аслида у грекча сўз бўлиб, “муҳр”, “ўймоқ” деган маъноларни англатади. Жаҳон психологиясида Характерология фани алоҳида ўрганилади. Бу фан инсон характерларини ўрганиш, характерни аниқлаш, баҳолаш, муайян вазиятлар доирасида келажакда қандай намоён бўлишини башорат қилади. Характер кишининг фаолиятида намоён бўлади. У инсоннинг турғун хусусий фазилатлари мажмуидир. Шу сабабли, инсоннинг, миллатнинг характерини ўрганиб, унинг келажакда қандай вазиятларда қандай иш тутишини ишонарли айтиб бериш мумкин. Характерни шакллантириш, тарбиялаш, такомиллаштириш мумкин.

Миллий характер объект сифатида қийин, лекин ўрганиш мумкин бўлган ижтимоий тарихий ҳодисадир. У маънавий-руҳий қиёфанинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Миллий характер тарихий категория бўлиб, уни ўрганиш тушунтириб бериш учун шу миллат ҳаётини, тарихини, тили ва маданиятини яхши билиш зарур.

Халқларнинг турлича характер хислатларига эга бўлишлиги, уларнинг ижтимоий-иқтисодий тажрибаси тарихий тараққиёти ва табиий яшаш шароитлари билан белгиланади. Бунда ижтимоий муносабатлар миллий характерни шаклланишида етакчи роль уйнайди. Ҳар бир тарихий давр шу даврдаги ижтимоий тараққиёт қонуниятлари асосида миллий мафкура манфаатларига мос бўлиб тушадиган ўз миллий характер идеалини яратади. Шу даврдаги характер тип кишиларнинг яшаш тарзини акс эттиради. Бу ҳақда Қуронов шундай фикр билдиради: “Миллий характер психологик ҳисобланади, у миллий феъл-атворда намоён бўлади. Ана шу кўрсаткичларга асосланиб у ёки бу халққа, миллатга мансуб кишилар характерининг моделини – ўртача миллий характер намунасини яратиш мумкин”<sup>39</sup>.

<sup>39</sup> Қуронов М. Миллий тарбия. Т.: Манавият, 2007 й. 10 б.

Халқнинг бутун тарихи давомида орттирган ҳар бир характер хислатларнинг вужудга келиши кишилар руҳиятига атрофдаги воқеликларнинг узоқ вақт давомида таъсир этиб туриши билан боғлиқдир. Шунини таъкидлаш керакки, "Миллий характер" тушунчаси ҳақида ҳали ҳам умумий бўлган бир хил қараш мавжуд бўлмаса ҳам, лекин унга кирувчи хислатлар тўғрисида умумий булган фикрлар мавжуд<sup>40</sup>. Кўп тадқиқотчилар миллий характерга, меҳнатга муносабат (меҳнатсеварлик), ватанпарварлик, эрксеварлик, довюраллик, жанговарлик каби хислатларни киритишади. Яна бунга миллатлараро муносабатлар ва миллат вакиллариининг ўзаро муносабатларини белгиловчи хусусиятларни ҳам киритиш мумкин.

Миллий характерни ўрганувчилар миллий характерда келтирилган хислатларни қайси бири бирорта халқда мавжуд эмас деб савол қўйишади. Миллий характерни ўрганишда тадқиқотчилар учрайдиган қийинчилик ҳам ана шунда. Дарҳақиқат, характернинг қайси бир хусусиятини очиб кўрмайлик, албатта у барча халқлар ва миллатларда ҳам мавжуд эканлигини кўрамиз. Масалан, эрксеварлик, довюраллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби хислатлар ҳамма халқларга хос бўлган хусусият бўлган ҳолда, бу хислатлар ўзининг намоён бўлиши, тузилиши жиҳатидан барча халқларда бир хил кечмайди. Зеро, характер хислатларини келтириб чиқарувчи яшаш тарзи, тарихий тараққиёт ва фаолият шароитлари ҳар хил бўлганлиги сабабли, юқоридаги характер хислатларини намоён бўлиши ҳам уларда айнан бир хил бўла олмайди. Кавказдаги тоғли халқларнинг ҳаёти ва яшаш тарзини ўрганган тадқиқотчиларнинг барчаси бир овоздан уларда жанговарлик, мағрурлик каби характер хислатлари кучли эканлигини эътироф этишади.

Меҳнатсеварликни ҳамма халқларга хос фазилат эканлигига шак келтирмаймиз. Лекин, шунинг билан биргаликда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий қурилиши, географик иқлим шароити, халқ томонидан меҳнатсеварлик ҳамма халқларда бир хилда намоён бўлавермайди. Маълумки, Голландия мўжазгина кичик майдонга эга. Майдони Москва вилояти территориясидан кичик. Лекин шу мамлакат бутун Россияни боқадиган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарар экан. Ваҳоланки, Голландия халқи табиий-географик шароитига кўра, денгиз атрофидаги ботқоқ ва тошлоқ ерларни ўзлаштириб, унумдор ерга алаштириш учун оғир шароитларда иш олиб боради.

Натижада уларда тиришқоқлик ва саботлик билан меҳнат қиладиган кишиларга нисбатан меҳр-муҳаббат билан қараш шаклланган. Оилада ўз фарзандини шу руҳда тарбиялашда ҳаракат қилар экан.

Бола сал-пал гапни тушунадиган бўлгач, она унинг кафтини очиб у ерда эгри-бугри чизикларни кўрсатиб: М-мен - одам: W-work-меҳнат, одам меҳнат билан туғилади деб тушунтирар экан<sup>41</sup>.

Миллий характерни халқ ўзида намоён этади. Лекин миллат характери айрим шахслар характерининг оддий йиғиндиси эмас. У оммавий куч сифатида, индивидуал характерларнинг умумий бўлган хислатлари ижтимоий жиҳатдан қайта ишланиб, янги махсус сифатга айланган вақтда таркиб топиб намоён бўлади. Масалан хор овози хор қатнашчисининг овозига ўхшамаганидек, миллий

<sup>40</sup> Жандильдин Н. Природа национальной психологии. – Алма-Ата: 1971г. с.165

<sup>41</sup> [www.edunet.ru/index.php](http://www.edunet.ru/index.php).

Характери ҳам бирорта миллат вакилининг характериға ўхшамайди ёки миллат характери ҳеч бир миллат вакилида тўлалиғича акс этмайди.

Миллий характер ўзгармас, турғун нарса ҳам эмас. У тарих маҳсули. Шунинг учун ҳам уни вужудға келтирган тарихий ижтимоий иқтисодий шароитларнинг ўзгариши билан у ҳам маълум даражада ўзгаради, ҳатто бир ижтимоий тузумнинг ўзида ҳам у айрим хислатларни пайдо қилиб туриш мумкин.

Миллий характер умумбашарий хусусиятларға зид бўлмайди. Шунинг учун ҳам уни бошқа миллат ва элатлар характерида ажратиб қўйиш мумкин эмас. Ҳар бир халқ бошқа халқ билан яқин ижтимоий - иқтисодий ва маданий муносабатларға киришганда ундан ўзида йўқ нарсаларни олади ва ўзидан ҳам уларда бўлмаган нарсаларни беради. Лекин бошқа халқлардан олинган бу характер хислатлари, миллат вакиллари тамонидан ўзлаштирилганда, айнан, ўзгаришсиз кучирма олмай, ўзига хос миллий ифодани олади.

Ҳар бир кишининг, ҳар бир миллатнинг ўзига хос характери бор. Бундан 70 йил аввал АҚШда ташкил этилган, бу масалани махсус ўрганувчи, “Миллий характер” концепцияси асосчилари, ҳар бир халқ характерида ўртача моделини тузиш мумкинлигини амалда исботлаганлар. А. Кардинер буни “базавий шахс” деб атади. У “базавий шахс”да у мансуб миллат худди бир томчи сувда бутун океаннинг хусусияти жо бўлганидек акс этишини, “базавий шахс” миллий оила, муҳит ва “базавий шахс”нинг атрофдагиларға таъсир кўрсатиши натижасида шаклланишини исботлаган эдилар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг умуман хароб бўлган бўлсада, тезлик билан ривожланиб кетган икки мамлакат, Германия ва Япония халқларининг миллий характерида шаклланиш механизмини ўрганган, АҚШ психологлари миллий характер халқнинг турмуш тарзи, миллий маданияти, катталар ҳуқ-атвори тасирида шаклланишини аниқладилар. Миллий характер хусусиятларини ўрганиш борасида Ўзбекистонда ҳам амалий ишлар бошлаб юборилган. 1999 йил 22 июль куни Республика Таълим Марказида ўзбек характери мавзусида семинар-баҳс бўлиб ўтди. Унда республикамиз ижтимоий-гуманитар фанларининг пешқадам вакиллари ўзбек характери, миллий характер масаласининг кун тартибига қўйилишини, бунинг ислохотлар учун муҳим масала, айниқса, ислохотларни амалға оширувчилар – одамларнинг характерида ўзгартириш масаласи эканлиги қайд этиб ўтдилар. Бу баҳсда миллий характер деганда уни соддароқ, яъни феъл-атвор маъносида тушуниш лозимлиги мақулланди. Биз, русларни эмоционал турғунлиги, америкаликларнинг жушқинлиги, инглизларнинг ўз анъаналарига содиқлиги, немисларнинг камгаплиги, интизомлилиги ҳақида кўп эшитганмиз. Албатта, бу сифатлар ушбу миллатларнинг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди Ўзбек характерида 900 дан ортиқ ижобий ва салбий сифати бор. Ҳозир биз қутилишимиз керак бўлган энг муҳим салбий сифатлар:

- |                  |                                |
|------------------|--------------------------------|
| 1. Бепарволик    | 6. Шахсий садоқат устуворлиги  |
| 2. Беғамлик      | 7. Сўз ва иш орасидаги тафовут |
| 3. Маҳаллийчилик | 8. Ҳафсаласизлик               |
| 4. Лоқайдлик     | ва бошқалар                    |
| 5. Журъатсизлик  |                                |

Миллий юксалишимиз учун такомиллаштириш зарур бўлган ижобий сифатлар:

- |                         |                         |
|-------------------------|-------------------------|
| 1. Қатъиятлилиқ         |                         |
| 2. Ҳушёрлик             | 9. Ташаббускорлик       |
| 3. Ишбилармонлик        | 10.Бурчга садоқат       |
| 4. Вақтни қадрлай билиш | 11.Сўз ва иш бирлиги    |
| 5. Интизомлилиқ         | 12.Рухан уйғоқлик       |
| 6. Масъулиятлилиқ       | 13.Она тилига фидойилиқ |
| 7. Ватанпарварлик       | ва бошқалар             |
| 8. Ҳалоллик             |                         |

Юқоридаги фазилатларни такомиллаштириш ўзбек миллий характери янги бочқичга чиқаришини мутахассислар таъкидлашмоқда. Қуროнов М. нинг фикрича буюк келажакни таъминлаш учун буюк характернинг эгаси бўлиш керак<sup>42</sup>.

Индивиднинг ижтимоийлашиши, миллийлашиши она тилини ўзлаштириш билан бошланади. Маънавий-руҳий қиёфа структурасида давлат тилининг мақоми миллий руҳиятни таркибий қисми сифатидаги аҳамияти бекиёсдир.

Тил халқ маънавий ҳаётининг асосидир, бинобарин, миллий тил гуркираб ривожланмаса миллий онг ўсмайди. Миллий онг, миллий маданият ўсмаса, кишиларда миллий ғурур, миллий фахр-ифтихор ривожланмасдан қолади. Тил ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишининг муҳим воситасидир. Собиқ Совет жамияти ҳукмронлик қилган 70 йилдан кўпроқ вақт давомида ўзбек миллий тили, тарихи, маданияти кўпол равишда топталди. Мустабид тузум сиёсати талаби ва зўрма-зўрлиги асосида имломиз кетма-кетига 2 марта ўзгартирилди. 1929 йилда араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди. Орадан 12 йил ўтгач, кирилл алифбоси қабул қилинди. Шу тариқа халқимиз ўзининг 1000-1200 йиллик кўхна тарихидан, ўтмишидан, маданий меросидан маҳрум бўлди.

Собиқ Иттифоқ даврида ўтказилган нотўғри миллий сиёсат оқибатида ҳатто қадимий ва бой тиллар ҳам ривожланишдан қолди, миллатнинг бирламчи белгиси мақоми йўқота бошлади. Чунки улар беистисно амал қилиши керак бўлган соҳалар - сиёсат, иқтисодиёт, илм, маданият ва тарбияни рус тили эгаллади. Бошқа тиллар, жумладан ўзбек тили ҳам кўча-куйда, оилада, кўпроқ кишлоқ жойларда қўлланилган даражага тушиб қолди. Тил ҳаракат қиладиган доиралар торайгани сари миллий ўзликни англаш қамрови ҳам қисқарди. Шоир А.Орипов ўзининг "Айтишув" номи шеърида ушбу ҳолатни ғоят усталик билан тасвирлаб берган:

"Аждодлар: - Тил яратдик, ёзув туздик гўзал ҳамда бой.

Авлодлар: - Биз уларга музейлардан топиб қўйдик жой."

Ҳуррият, истиқлол натижасида жаҳон миқёсида иқтисодиётимиз, давлат тузумимиз, меҳнаткаш халқимиз билан танилиб қолмасдан, гўзал, сермазмун, маънодор тилимизнинг ҳам мавжудлигини кўрсатиш имконига эга бўлдик.

Жамиятимиз маънавий жиҳатдан покланишида ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши катта аҳамиятга эга бўлди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида" ги Қонуни анча илгари - 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган эди. Бу қонун халқимиз миллий онгининг ривожланишида, мамлакат мустақиллигининг мустаҳкамланишида, маданий мероснинг тикланишида ва жамиятнинг маънавий янгилалишида муҳим роль уйнайди.

<sup>42</sup> Қуროнов М. Миллий характер ва миллий ғоя. Т.: - Маънавият, 2005 й., 32 б.

Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганидан кейинги йиллар мобайнида республикада катта ишлар қилинди. Ўзбек тилини давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судларда, давлат нотариал идораларида қўллаш тўғрисидаги моддалар руёбга чиқарилди. Халқ таълими, фан соҳаларида, оммавий ахборот воситаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди, кўплаб тарихий номлар тикланди, атамалар миллий тил асосларига мувофиқ янгилана бошланди.

Бу собитқадам йўл 1993 йил 2сентябрда қабул қилинган "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунда ва 1995 йил май ойидаги Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги Қонунда янада мустаҳкамланди ва ривожлантирилди. Мазкур қонунлар ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомининг мустаҳкамланиши, мамлакатнинг ҳар томонлама камол топиши ва жаҳон коммуникацияси тизимига кириш учун анча қулай шарт-шароит яратиб берди.

Халқимиз кўз қорачиғидай ардоқлаётган барқарорликни, фуқаролар тинчлигини ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашишини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 25 декабрдаги сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Буларни барчаси юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилиб борилмоқда. Миллий тилнинг яна маънавий-руҳий жихати ҳам борки, ундан кўз юмиб бўлмайди. Биз, унинг шу қисмига эътиборни қаратишни лозим деб биламиз. Миллий тилни билмаслик этник муҳитдаги жараёнларни, тилда ифодаланаётган ҳолат ва ҳодисаларни моҳиятларини англаб олишга тусқинлик қилади. Чунки фикр ифодаси учун ишлатиладиган сўзларда миллий ўзига хослик бўлади. Тафаккур билан тил ва нутқ ўзаро боғлиқ бўлганлиги учун русча тили чиққан болаларнинг фикрлаш малакаси ҳам русча бўлиб ўзбекларникидан фарқланади. Чунки инсоннинг тафаккур тарзи нутқда, тилда реаллашади, моддийлашади.

Улар ўзбекча гаплашишга ўрганганларидан кейин ҳам, русча фикрлаб, ўзбекча гапиришга ҳаракат қилади. Русча тафаккур тарзи билан ўзбекча гапириш жуда қийин. Бошқа миллат вакили воқеликни ўзбекнинг кўзи билан кўриб ўзбекона тафаккур тарзи билан идрок эта олгандагина у чинакамига ўзбекча фикр юритиб, ўзбекча гапира бошлайди. Чунки "Она тили-бу миллатнинг руҳидир, ўз тилини йуқотган ҳар қандай миллат, ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар"<sup>43</sup>. Маънавий ҳаётда тил миллат руҳиятини яққол ифодаси сифатида намоён бўлишини шундан билишимиз мумкин.

Маънавий-руҳий қиёфа таркибий қисмларидан урф-одат, анъана ва қадриятлар алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, улар маънавий-руҳий қиёфа хусусиятларини моддий борлиқда намоён бўлишидир.

Маълумки, ҳар бир индивид шахс сифатида шаклланар экан, фақат ўзи яшаб турган даврдаги ижтимоий муносабатлар таъсири остида бўлиб қолмасдан, шунингдек, тарихий тажрибалар, аجدодлар томонидан яратилган, тўпланган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий мерослар, миллий

<sup>43</sup> Чориев А.Ч. Ижтимоий қиёфа. Мулоқот, 2001й., №4

қадриятлар таъсири остида ҳам шаклланади. Бунда айниқса, ҳар бир халққа хос бўлган миллий урф-одат ва анъаналарнинг роли каттадир.

Ҳар бир даврнинг, ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий, табиий – географик шароитига хос бўлган ва уни ўзида акс эттирадиган урф-одат ва анъаналари бўлади. Одамзод онгли ҳаёт кечири бошлагандан буён вужудга келган урф-одату маросимлар, удум ва анъаналарни ҳисоблаб чиқиш қийин. Улар халқ ҳаётининг маънавий қиёфасида муҳим ўрин тутати.

Миллий урф-одат ва анъаналарда бутун бир халқнинг ижтимоий эҳтиёжлари, ахлоқ нормалари, манфаатлари, амалий тажрибалари ва тарихий яшаш шароитлари ўзига хос равишда мужассамланган бўлади. Улар халқнинг фаолияти жараёнида туғилади, ҳар бир халқ бутун тарихи давомида яшаш шароитининг характери ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кишилар ўртасидаги муносабатларнинг маълум нормада йўл-йўриқларини яратади. Бу норма ва йўл-йўриқлар авлоддан-авлодга ўтиш билан такрорланиб, урф-одатлар ва анъаналарга айланиб қолади<sup>44</sup>.

Шаклланган урф-одат ва анъаналар шахснинг ижтимоий муносабатларга киришувида шахснинг хулқ-атвори ижтимоий жиҳатдан белгиланган, бошқариб турувчи ва шакллантирувчи вазифаларни бажаради. Қайси бир урф-одат ва анъанани, удум ёки маросимни келиб чиқиш сабабларини ўрганмасдан туриб қарайдиган бўлсак, улар бир қарашда, беъмани, беҳуда бўлиб кўринади. Аслида эса уларни барчаси келиб чиқиши буйича халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва амалий фаолияти натижасида вужудга келган ва уларнинг маълум эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилганлигини кўрамыз. Чунки улар халқнинг маънавий-руҳий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида ўзига хосликни ифодалайди.

Анъаналар эса ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида мавжуд бўлиш билан биргаликда, яна келиб чиқиш жараёнини ҳам қамраб олади. Анъанада кишиларнинг нарса ва буюмларга, табиатга бўлган муносабатлари ифодаланади. Маълумки, санъат ва адабиётда, армия ва олий ўқув юр்தларида, спорт ва ишлаб чиқариш жамоаларида урф-одат бўлмайди, балки анъаналар мавжуд бўлади. Масалан, армияга янги борган солдатнинг қасамёд қабул қилиш, олий ўқув юртига кирган ёшларни талабалар сафига қабул қилиниши, йирик спорт мусобақаларида ғолиб спортчи шаънига мамлакат байроғини кўтарилиши ва мадҳияни янграши булар анъаналар ҳисобланади. Бундан ташқари анъаналарнинг таъсир доираси нисбатан кенг бўлиб, битта анъана бир неча урф-одат, удум ва маросимларни ўзида қамраб олган бўлиши мумкин. Масалан, халқимизда мавжуд бўлган меҳмондўстликни олиб қарайдиган бўлсак, меҳмондўстлик у ёки бу даражада ҳар бир халқ ва миллатга хос бўлган хусусиятдир. Лекин бу нарса юқорида кўриб ўтганимиздек, ўзига хос ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар таъсири остида, оилавий-маиший ҳаётдаги муносабатлар натижасида ўзбек халқида ўзига хос бир йўсинда намоён бўладики, бу ўзбек халқининг миллий хусусиятига, миллий анъанасига айланиб қолган. Мана шу меҳмондўстлик анъанаси бир неча урф-одатлар, удумлар орқали тўла намоён бўлади. Масалан: ўзбек қоидаларида меҳмон

<sup>44</sup> Йўлдошева С. Халқ урф-одатлари ва анъаналари. – Т.: Ижод дунёси, 2003 й. 46 б

ҳар доим очик чехра ва ширин калом билан кутиб олинади. Хонадондаги энг ноёб нарсалар меҳмон олдига қўйилади. Меҳмонни кадр-қиймати ўта юқори кадрланади.

Энди удум ва маросимларга келсак, улар кучли психологик ва ҳиссий таъсир этиш кучига эга бўлиб, шулар ёрдамида урф-одат ва анъаналар бевосита юзага чиқади. Удум у ёки бу урф-одат ва анъананинг бажариш вақтида амал қилинадиган тартиб ва қоидалар. Маросим эса, удумни кўз-кўз қилиб турадиган ташқи безаги тасвири, яъни бажарилиши жараёнидир.

Ўзбек оилаларида ўтадиган бирон-бир йиғилиш, маросим, тантали туй-томошалар, ҳашар ва ободонлаштириш ишлари катталарсиз, кексаларсиз, уларнинг маслаҳатисиз ўтмайди. Узоқ сафарга кетаётган ҳар бир киши, қайтаётган ҳар бир киши албатта, маҳалла ва қишлоқнинг ҳамма кексаларини ва хаста бўлиб ётган кишиларни бориб зиёрат қилиши зарур. Агар сафардалиқ даврида маҳалладаги бирор киши вафот этган бўлса, биринчи навбатда унинг оиласига бориб таъзия билдирилади. Миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларисиз, миллий мафкурани шакллантириш мумкин эмас. Бунда Ғарб халқлари учун нотаниш, аммо миллий табиатимизга хос бўлган ўз-ўзини бошқарув усули маҳаллани ривожлантириш ҳамда унинг мавқеини ошириш муҳимдир. Жамият ҳаётида тотувлик ва ижтимоий тарбияни ташкил қилишда маҳалланинг аҳамияти бекиёсдир. Бу ҳақда олим Иброҳимов А. “Одам-одамларга суяниб, орқа қилиб яшайди. Одам-одамлардан одамийликни ўрганади. Бу халқимизнинг фалсафий мушоҳадаларидандир. Бир сўз билан айтганда, биз аста йиғлаб, баралла куладиган халқмиз. Ўзбек маҳаллаларида инсон шундай таълим-тарбия олади”<sup>45</sup> дейди,

Урф-одатлар ва анъаналар ҳар бир халқда абадул-абад берилган ва ҳеч ўзгармайдиган нарса эмас. Ҳаёт уларни ғалвирдан ўтказиб, пучини-пучакка, сарасини-саракка ажратиб боради. Янги даврга мослаша олгани сақланиб қолади. Шунинг билан бирга ҳар бир давр ўзининг удум ва маросимларини, урф-одатлар ва анъаналарини яратади. Янги вужудга келаётган урф-одатлар ўз-ўзидан, куруқ ерда пайдо бўлмасдан, асосан илгари мавжуд бўлган илғор анъаналар ўзгартирилади ва янгилари пайдо бўлади.

Миллий ўзликни англаш маънавий-руҳий қиёфа структурасида муҳим ўрин тутати. Миллий ўзликни англаш мураккаб феномен ҳисобланиб, у миллий онг асосида вужудга келади ва унинг тузилмасига киради. Ҳар бир миллатнинг ўзини реал мавжуд субъект, моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлари ва давлатга мансублиги, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишини миллий ўзликни англаш дейиш мумкин. Миллий ўзликни англаш миллат шаклланишининг маълум нисбий юқори босқичидир. У миллий онгдан фарқ қилади. Миллий онг ҳар бир миллатнинг ягона тили, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқорига, оддийдан мураккабга тамон ривожланиб боришининг муҳим мезони ҳисобланади. Ўз навбатида миллий онгнинг ривожланиб бориши ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаш даражасига кўтаради. Миллий онг миллатни ўзига хослиги асосида ривожланиб боришдаги кўрсаткич бўлсада, миллий ўз-ўзини англаш миллий манфаатни ҳимоя қилишда ҳаракатга келтирувчи ички маънавий-руҳий салоҳиятдир.

<sup>45</sup> Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи. Т.: Маънавият, 2007 й. 24 б.

Миллий ўзликни англаш реал моддий куч сифатида миллат шаъни, кадр-киммати, обрў-эътибори, ор-номуси паймол этилганда ёки миллатнинг моддий-маънавий манфаатларига зид иккинчи бир тамондан зўравонлик ҳаракатлари юзага келтирилган ҳолатлар намоён бўлади. Миллий ўзликни англаш миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи моддий кучга айланади. Миллий ўзликни англаш миллатнинг маънавий маданияти тизимига киради ва унинг миллат тараққиётига қўшган ҳиссаси соф маънавий-руҳий ҳисса ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш миллат абадийлигини таъминлайдиган омиллардан бири сифатида ана шу сабаб ва заруратга мос равишда такомиллашиб боради. Миллий ўзликни англаш ўз табиатига кўра эмоционал ҳодисадир ва унинг ҳақиқий қиёфаси миллатнинг манфаатларини, ор-номус, ғурур ва қадриятларини ҳимоя қилишда намоён бўлади.

Миллий озодлик учун курашаётган миллатда миллий онг, эзувчи миллатга нисбатан миллатчилик кўринишида намоён бўлиши табиий жараён ҳисобланади<sup>46</sup>. Зеро, миллий ўзликни англашнинг дастлабки босқичларида ўз миллатининг тарихи, буюк шахслари билан фахрланиш, уни кўкларга кўтариш, ўз эзувчилари бўлган миллатга қарши қўйиш тарзида бўлади. Буни биз барча миллий озодлик ҳаракатини бошидан кечирган халқлар тарихида кўришимиз мумкин. Хусусан XIX аср бошларида ижод қилган Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Авлоний каби ижодкорлар фаолияти бунга мисол бўла олади. 80- йиллар охирида собиқ Иттифоқ деб аталмиш империянинг қулаши арафасида буюк бобомиз Амир Темур номининг тикланиши, миллий байроқ мисоли кўтарилиши, шу байроқ остида миллатни бирлаштириш учун ҳаракат қилиниши бежиз эмас эди. Бунинг учун бобомиз ҳаёти ва фаолияти, қаҳрамонликлари ҳақида ёзилган китоблар чоп этила бошланди. Тарихий ҳақиқат тикланиб, унинг жаҳон тарихидаги ўрнига берилган баҳолар билан миллатни таништириш миллатнинг эгилган шаъни, ғурурини тиклаш бошланди. Аллома боболаримизнинг Бухорий, Яссавий, Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, Замахшарий кабиларнинг номларини халққа қайтарилиши, уларни китобларини чоп этилиши каби жараёнлар миллатнинг ўзини-ўзи танишини юқориқ босқичга олиб чиқди.

Маънавий-руҳий қиёфанинг функциялари унинг жамиятда бажарадиган вазифалари асосида келиб чиқади. Маънавий-руҳий қиёфа функциялари муҳофаза қилувчи, бирлаштирувчи, ҳаракатга келтирувчи, манфаатларни англатувчи ва тарбияловчи кабилардир.

Муҳофаза қилувчи функцияси глобаллашув шароитида, айниқса аҳамиятли бўлиб бормоқда. Чунки ҳозирда одамлар глобаллашувнинг кучли босими остида яшамокдалар, улар бу таъсирни кундалик ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлаётганлигини гувоҳи бўлмоқдалар. Афсуски, бундай таъсирлар миллий маънавий муҳитни издан чиқаришга сабаб бўладиган оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Булардан ҳимояланиш керак албатта. Лекин бу миллий маданият теварагида тўсиқлаш тиклаш билан амалга оширилмаслиги керак. Бу функция миллий тарққиётнинг бугунги ўта мураккаб шароитида миллат вакилларида ягона ватан, миллий бирдамлик, уни ҳар қандай ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш руҳиятини шакллантириш вазифасини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

<sup>46</sup> Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: Янги аср авлоди, 2008 й. 213 б.

Рус тадқиқотчиси С. И. Королёв шаклланган этник қиёфа “маълум даражада муҳофаза қилувчи механизм ролини ўйнайди. У худди элакдек, ёт нарсаларни ажратиб, уни ё қабул қилади, ёки уни шу халқда мавжуд бўлган нормалар асосида қайта ишлаб беради ёхуд инкор қилади”<sup>47</sup>, -деб таъриф берган.

Ҳаракатга келтирувчи функция миллий ривожланиш ва миллатлароро муносабатлар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг куч-қудрати бошқа функцияларга қараганда анча шиддатли ва халқнинг руҳиятини моддий кучга айлантиришда устувор аҳамиятга эгадир.

Бирлаштирувчи функция ўзининг миллий тараққиётни рағбатлантирувчи муҳим элемент вазифани бажаради. Турли миллатлар мавжуд бўлган шароитда мазкур функция доимий ҳаракатда бўлади. Бу функция миллий ўзликни англаш ҳамда миллатлароро муносабатларга ҳам таъсир этади.

Манфаатларни англатувчи функция миллатнинг онгини, маданиятини, маърифатини шакллантириш ва ривожлантириш хусусияти билан ажралиб туради. Маънавияти ва маърифати қашшоқ миллат ўз манфаатларини англашга қодир эмас. Бу функция орқали миллатнинг ички имкониятлари ривожланади ва у ўзининг бирлигини мустаҳкамлаб туради.

Тарбияловчи функциядан кутилган асосий мақсад умуммиллий вазифаларни тушуниш, ва ҳал этиш кабиларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратишдан иборат бўлиб, улар моддий ва маънавий бойликларни сақлашга ҳамда миллий обру-эътиборни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Тарбия маданият анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар ва тилга оид миллий хусусиятларни сақлаб қолишда ҳамда уларни авлоддан-авлодга етказишда яққол намоён бўлади. Тарбиявий функция ўз мақсадларини миллий маданиятдан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

---

<sup>47</sup> Гнатенко П.И. Кострюкова Л.И. Национальная психология. – М.: 1994 г, с 94.

## II БОБ МАЪНАВИЙ-РУХИЙ ҚИЁФАНИНГ МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ

### II.I Ўзбек халқи манавий-руҳий қиёфасининг ўзига хос жиҳатлари ва унинг тарихий илдизлари

*Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қараишлари ўз-ўзидан бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз.*  
Ислом Каримов

Маънавий-руҳий қиёфа миллатларнинг мавжуд ва идрок этиш мумкин бўлган белгилардан бири бўлиб, унинг келиб чиқиши халқнинг бутун тарихи билан узвий боғлангандир. Ўзбек халқининг маънавий-руҳий қиёфасининг тарихий илдизлари ҳақида сўз юритганда, ўзбек халқи 3 та катта диний-мафкуравий босқични (зардуштийлик, ислом, коммунистик) ўз бошидан кечирганлиги ва ҳар бир мафкуравий-диний таъсирлар даври тугагунча неча авлодлар алмашганини ва бу жараёнларнинг миллат феъл-атворида ўчмас из қолдирганини унутмаслик керак. Бу таъсирлар соф маънавий-руҳий таъсирларни ўз ичига олади. Бу ҳақда Президентимизнинг ҳам фикри диққатга сазавордир: “Халқ – ўзининг минг йиллик анъана ва тажрибалари сўнмас хотираси ва буюк туйғулари билан яшаб келаётган қудратли куч”<sup>48</sup> дир. Ўзбек халқининг қанчалар буюк тарихга эга эканлигини, унинг халқ сифатида шаклланиши узок ўтмишга бориб тақалашини таъкидлайдилар.

Шундай экан, маънавий-руҳий қиёфага асосий таъсир этувчи омил тарихий жараёнлар ривожидир экан, биз ўзбек халқи тарихидан унинг маънавий-руҳий қиёфасининг шаклланиш жараёнига эътиборни қаратамиз. Зеро, халқ мустақилликка эришгач, ўз илдизлари ва этник аجدодларини билишга интилиши табиийдир. Бу эса маънавий-руҳий муҳитнинг ҳозирги кўринишини бир қадар тасаввур этиш имконини беради.

Ўзбеклар ўзига хос шаклланиш жараёнига эга халқдир. Тарих гувоҳлик берадики, ўзбек халқи мазкур ҳудудда яшаган туб ерли этнослардан томир олган, иккинчи илдизи эса қадимий туркий халқлардан бошланган. Ҳар иккала асосий илдизларнинг бириқиши - ўзаро синтези ўзбек элатини ва кейинчалик ўзбек миллатини ташкил этган. Миллат-арабча сўз бўлиб одатда халқ маъносини англатади. Фалсафа қомусий луғатида миллат тушунчасига замонавий таъриф берилган. Жумладан, унда “ миллат – бу тил, маънавият, миллий ўзлиқни англаш, руҳият, урф-одатлар, анъана ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи, ижтимоий алоқалар билан боғланган, мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлигидир”<sup>49</sup> - деб таъриф берилади.

<sup>48</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: Ўзбекистон, 2000 й. 30 б

<sup>49</sup> Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2004. 134 б

“Миллат” тушунчасини таърифлаш мураккаб, миллат реал шахслардан ташкил топган, шу боис улар турли ички ҳис-ҳаёжон, рухий салоҳиятга эгадирлар. Уларнинг даражаларига охирги нуқтани қўйишга интилишнинг ўзи масалага ғайриилмий ёндошувдан бошқа нарса эмас. Чунки миллий жараён узлуксиз, доимо ҳаракатдадир<sup>50</sup> - деб таъриф беради, татқиқотчи Отамуродов С.

Демак, миллат маълум бир ҳудудда муқим яшаб, тарихий тараққиёт давомида ривожланиб келган одамларнинг маънавий-руҳий бирлигининг вужудга келиши асосида ташкил топар экан.

Ўзбекларнинг миллат сифатида шаклланиш жараёни ҳамда маънавий-руҳий қиёфасининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида академиклар Я.Ғуломов, И.Мўминов, Б.Аҳмедов, К.Шониёзов асарларида қимматли маълумотлар бор. Рус олимлари В. Бартольд, А.Якубовский, Л.Гумилёв, хорижий тадқиқотчилар Г.Вамбери, Х.Ховорс, М.Пеллио, Х.Хукхэм, Э.Ольворт ва бошқалар ўзбек халқининг келиб чиқиши, унинг шаклланиш босқичлари ҳақида асарлар яратганлар.

Ўзбек халқи маънавий-руҳий қиёфасининг ўзига хос жиҳатлари, унинг узоқ ва шонли тарихига бориб тақалади. Бу ҳақда маълумотлар форсийзабон ва туркий халқларнинг ҳаёт тарзларига оид маълумотлар Қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг "Тарих" ва Страбоннинг "География", шунингдек Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит-турк" асарларида ҳамда Урхун-Енисей битиклари ва бошқа археологик ёдгорликлар орқали бизгача етиб келган. Геродотнинг "Тарих" китобида қадимги саклар, форслар ва массагетлар энг шарафлайдиган нарса жасурлик, дейилган. Шунга кўра, улар ўғил болаларни беш ёшидан бошлаб йигирма ёшгача фақат уч турдага маънавиятга ўргатишган. У ҳам бўлса отда юриш, камондан отиш ва адолатли бўлиш бўлимларидир. Ўша вақтда ишлаб чиқариш куртак ҳолатида бўлганлигини, кишилар тирикчилиги асосан овга боғлиқ бўлганини ҳамда барча разолатлар манбаи кўрқоқлик ва адолатсизлик эканлигини ҳисобга олсак, бу тўрт маънавият ўша давр одамларини тўла қаноатлантирган. Кейинги иккита "жасурлик" ва "адолатли бўлиш" маънавияти шу кунгача долзарблигини йўқотмаган. Геродот форслар ва улар билан қўшни халқлар учун ёлғончилик ва қарздор бўлиш энг катта шармандалик ҳисобланган, дейди.

Император Ян Дининг элчиси Вэй-Дзининг ҳисоботларида Самарқанд халқининг маънавий олами ҳақидаги маълумотлар мавжуд. "Аҳолиси моҳир савдогарлардир. Ўғил бола беш ёшга кирар экан, унга савод ўргата бошлайдилар"<sup>51</sup>, — дейди Вэй-Дзи.

Бундан ташқари, Туронзамин ҳудудидаги халқлар маънавиятига оид маълумотларни биз халқ оғзаки ижоди намуналари — афсоналар, эпослар, қўшиқ ва дostonлардан билсак бўлади. Буларнинг энг қадимийлари "Авесто" ва Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асари бўлса, қадимги мақол, қўшиқ ва лирик шеърлар эса XI асрда яшаб ўтган Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк" асарида ўз ифодасини топган.

Бизгача етиб келган манбалар аجدодларимизнинг ватанни, халқни севиш, орномус ва дўстга садоқат, бурч ҳисси, ҳар қандай машаққатларга бардош бериш аждодларимизнинг асосий маънавий хислатлари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бу хилдаги маънавий қиёфага оид намуналарни биз халқ оғзаки ижоди асарларидан

<sup>50</sup> Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. Т.: Маънавият. 2008 й. 23 б

<sup>51</sup> Бичурин Н.Я. Собрание свидений...М.: 1951г., т 1. с. 221

билсак бўлади. Халқ оғзаки ижодида аҳолининг маънавий-руҳий қиёфаси мифологик образлар ва афсонавий қаҳрамонлар орқали беришга ҳаракат қилинган. Бу мифологик образ ва қаҳрамонлар кишиларнинг осойишталиги ва бахт-саодати учун курашиб, фидокорлик кўрсатадилар, Чунончи, Гершасп ва Эликбек ҳақидаги афсоналарда аждар ва жинларни енгиб, ўлимдан кўркмай, кишиларни ҳалокатдан қутқарувчи мард ва баҳодирлар образлари тасвирланган.

Марказий Осиё халқлари қадимда яратган қаҳрамонлар орасида чет эл босқинчиларига қарши ватанпарварлик курашларини олиб борганлар асосий ўринни эгаллайди. Чунончи, Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш ва ҳоказолар.

"Тўмарис" -эпосида Марказий Осиё аҳолисининг чет эл босқинчиларига, хусусан эрамиздан аввалги VI асрда бу ўлкага бостириб кирган Аҳомонийлар шоҳи Кирга қарши қаҳрамона кураши акс этган.

"Широқ" эпосида ҳам Марказий Осиё халқларнинг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамона кураши акс этган. Ватанпарварлик ва жасорат, ватан ва халқ бахт-саодати йўлида фидойилик қилишга шай туриш каби юксак маънавийлик сак қабиласининг чўпони Широқ тимсолида гавдаланган.

Халқ оғзаки ижодиётининг ажойиб дурдонаси, муҳим таркибий қисми бўлган "Гўрўғли", "Ёдгор" "Рустамхон", "Юсуф билан Аҳмад", "Баҳром ва Гуландом", "Вомиқ билан Узро", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли а Мажнун" сингари неча-неча ўнлаб ва юзлаб дostonларнинг ҳар бирида шундай ғоялар, фикрлар илгари сурилганки, ўз аҳамиятига кўра улар миллий хусусиятларга эга бўлиш билан бирга умуминсоний, жаҳоний қимматдорликка ҳам эгадир. Бундай дейишимизнинг асосий боиси номлари зикр этилган асарларнинг деярли ҳаммасида душманга қарши курашда жасорат кўрсатиш, она замин ободлиги учун кураш, тинчликнинг бузилиши, қон тўкилишларга йўл қўймаслик, халқлар, эл-юртлар ҳамкорлиги, миллий ҳамжиҳатлик, истиқбол йўлида қайғуриш сингари ғоятда муҳим, аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган, жаҳондаги барча халқлар, миллатлар, мамлакатлар учун ҳам зарур бўлган ғоялар, мазмун ва фикрларга бойлигидир.

Ўзбекларнинг Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудида ҳамда уларга туташ минтақалардаги ўтроқ деҳқончилик ва хунармандчилик маданиятига эга халқ эканлигига халқимизнинг она табиатга, ерга, сувга, ҳавога, оловга бўлган чексиз ҳурмати ва уларни эъзозлаш билан боғлиқ турфа хил урф-одат ва маросимлари, анъанавий деҳқончилик ва хунармандчилик удумлари, кўп асрлик ислом шароитидан қатъий назар, ўзбек халқининг турмуш-тарзида, урф-одатларида сақланиб келаётган сон-саноксиз зардуштийлик элементларида айниқса яққол ифодаланган.

Зардуштийликнинг пайдо бўлиши эрамиздан олдинги X асрга тўғри келади. Унинг муқаддас китоби "Авесто" ҳам бирдан юзага келган эмас. У бир неча асрлар мобайнида яратилган. Зардушт "Авесто"нинг қадимий нусхаларини ўрганиб, тўплаб бир китоб ҳолига келтирган. У 30 та қоҳин билан уч йил давомида "Авесто"нинг бўлимларини йиғиб, бир тизимга солган ва 12 минг хўкиз терисига зарҳал харфлар билан ёздирган<sup>52</sup>.

Авесто куйидаги беш қисмдан иборат:

<sup>52</sup> Тоҳир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. – Т.:Чўлпон, 2003 й., 47 б.

1. Вендидод — 22 бобдан иборат бўлиб, унда Ахура Мазда Ердаги барча мавжудотнинг яратувчиси эканлиги баён этилади.
2. Виспарад — 24 бобдан иборат бўлиб, ибодат кўшиқларидан ташкил топган. Зулмат кучларига қарши кучлар қуйланади.
3. Ясна — 72 бобдан иборат бўлиб, қурбонлик вақтида, маросимда айтиладиган кўшиқлардан ташкил топган.
4. Яшт — 22 кўшиқдан иборат бўлиб, зардуштийлик маъбудалари мадҳи қуйланган.
5. Хўрда Авесто — Кичик Авесто — қуёш, ой ва бошқа худо ҳамда маъбудалар шарафига айтилган кичик ибодат матнларидан иборат.

Бу китобнинг кўп қисми Искандар Зулқарнайн ва араблар истилоси даврида йўқолиб кетган. Бизгача етиб келган нусхаси 1374 йилда кўчирилган бўлиб, ҳозирда Копенгагендаги кутубхонада сақланиб келинмоқда.

“Авесто” таълимотига кўра олам қарама-қаршиликлар кураши асосига қурилган: жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги курашларда ўз ифодасини топади. Ёруғлик, эзгулик кучларига Ахура Мазда бошчилик қилиб, эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлган Аҳримон унга қарши курашиб, одамларни ёмон иш ва йўлларга бошлайверади. Имон-эътиқодли одам албатта, эзгулик тарафида туради.

Бу курашда ёруғликнинг зулмат, эзгуликнинг ёмонлик усгидан ғалабасига ишонч билдирилади. Зардуштийлик динида инсон яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашда ўйинчоқ эмас, балки танлаш эркинлигига эга бўлган, ўз фаоллиги билан адолат тантасига таъсир эта оладиган шахс сифатида эътироф этилган. Инсоннинг бу ҳуқуқини муқаддас деб билишган.

Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади, дейилади “Авесто”да.

“Авесто”да меҳнат ниҳоятда улуғланади. Меҳнатни яхшилик, моддий ноз-неъматлар манбаи деб билади. Инсон саховатли бўлиши учун аввало меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-неъматлар яратиши зарурлиги уқтирилади. “Авесто”да: “Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади, у Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, имонни озиқлантириб туради..”<sup>53</sup>, дейилади.

“Авесто”да инсон ахлоқ-одоби, маънавияти қуйидаги учликда: Гумата — яхши фикр, Гугта — яхши сўз, Гваршта — яхши ишда ифодаланади. “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман”, — деб таъкидлайди АхураМазда.

Шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, зардуштийлик ўзбек халқи маънавий-руҳий қиёфасининг пойдевори сифатида эътироф этишга барча асосларимиз мавжуд. Негаки, ҳозиргача сақланиб келаётган зардуштийлик билан боғлиқ бўлган одатларни, мисол учун табаррук жойлардаги дарахтларга ип, от ёлини боғлаб қуйиш, қабр бошига шам ёқиш, тупроқни юзга суртиш, танга пул сочиш ва шунга ўхшаш одатларни санаб охирига етиб бўлмайди<sup>54</sup>.

Шунингдек бугунги кунда ўзига хос тарзда ривожланаётган шаҳарсозлик ва меъморчилик анъаналаримиз, бой фольклор намуналаримиз, ёзма мерос, адабиёт,

<sup>53</sup> Махмудов Т. Авесто ҳақида – Т.: Шарқ, 2000 й., 85 б.

<sup>54</sup> Худойбердиев И. Ислон, шахс ва миллий психология – Т.: Фан, 1994 132 б.

санъатга бўлган қизиқишларимиз, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, коинот ва замин, инсон ва ҳаво, ўлим ва абадият ҳақидаги асотир ва ривоятларимизда, асосан ўтроқ маданият соҳибларига тегишли бўлган Наврўз, Меҳржон, Сада, Гул сайллари, Ҳосил байрами каби байрам ва сайлларнинг давомийлиги ёки инсоннинг қайғули онлари, мотам маросимларида махсус ўлик хизматчилари-ғассоллар, гўрковлар иштироки билан боғлиқ удумларимиз, расм-русмларимиз давом этиб келаётганлиги фикримиз далилидир.

Президентимиз зардуштийликни ўзбек маънавий-руҳий қиёфасининг асоси эканлигини қуйидаги фикрлари билан таъкидлайдилар, "Маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ҳам ўз ичига олиши лозим... Ер, ҳаво, сув ва олов (қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аجدодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрлаб келинган"<sup>55</sup>.

Маънавий-руҳий қиёфа ҳар бир миллат учун миллий ва диний қисмлардан иборат. Бу эса ислом фалсафасини ўзбек халқи маънавий-руҳий қиёфасига таъсирини татқиқ этиш ғоят долзарб масала эканлигига далолатдир.

Исломнинг, умуман диннинг жамиятдаги аҳамияти ҳақида Президентимизнинг қуйидаги фикрлари мавжуд: "Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз"<sup>56</sup>. Шундай қилиб, ислом поклик, ростгуйлик, хайрихоҳлик, ҳурмат-иззат, меҳр-оқибат, кичикларга ва кексаларга ғамхўрлик, диёнат, ўзгаларга хиёнат қилмаслик, ҳалоллик, ахлоқий камолот каби тушунча ва меъёрларни маънавиятимизга сингдириб келган.

Ислом маънавий-руҳий қиёфада инсонларнинг феъл-атвори, ўйи, хатти-ҳаракати, ниятида амал қилиниши лозим бўлган фазилатларни қайтадан кўриб чиқишга ҳаракат қилди. Бу фазилатлар одамларнинг шахсий ҳаётида, муомила муносабатларида риоя қилиниши лозим бўлган меъёрларни аниқ, содда қилиб тушунтирди. Салбий сифат, амалларни ҳаром, ижобийларини ҳалолга ажратди. Бу билан ислом ўзбек халқи маънавий-руҳий қиёфасини тамоман янгилади. Ҳали ҳеч бир таълимот бу даражада қандай вазиятда, қаерда қандай йўл тутишни ўргатишнинг аниқ жавобларини бера олмаган эди. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг "Оллоҳ таоло бир неча амалларни фарз қилди; сизлар уларни зое қилмай адо этингизлар! Яна бир неча ишларни чегаралаб қўйди; сизлар ўша чегаралардан тажовуз қилиб ўтиб кетманглар! Бир неча нарсаларни ҳаром қилди; сизлар улар ҳақида баҳслашиб ўтирманглар! Деган ҳадисга таяниб ўзбекларнинг руҳиятига 1300 йил давомида фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, макруҳ тушунчалари сингдириб келинди. Ижобий амалларни қилганларга савоб, қилмаганларга гуноҳ ваъда қилинди. Юқоридаги қоидалар ўзбек миллий руҳиятидан чуқур жой олган, шунинг учун ҳам, биз маънавий-руҳий қиёфамизни исломсиз тасаввур қила олмаймиз.

VIII асрдан бошлаб Моварауннаҳрда ислом ҳукмрон мафкурага айланиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўз назоратига олди. Бу борада биргина маънавий -маданий соҳаларгина эмас, балки иқтисодий жараёнлар ҳам унга

<sup>55</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, "Ўзбекистон", 1997, 145-бет.

<sup>56</sup> Ўша асар 144-145 бб.

мойиллик қилди. Бундан англашиладики, бир томондан, исломнинг ўзи мавжуд миллий воқеаликка ва турмуш тарзига мослашади, иккинчи томондан, уларни ҳам ўзига мослаштиради, яъни ислом ҳукуқи, шариат меъёрлари шаклланиши жараёнида маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олди ҳамда Қуръон талабларига, якка худолик тамойили-тавҳидга мос келмайдиган маҳаллий хусусиятларни, ижтимоий ҳодисаларни инкор қилди ва уларнинг бартараф этилиши учун маънавий-мафкуравий, ҳукуқий асос бўлиб қолди.

Табиийки, ислом мустаҳкамлангани сайин ижтимоий ҳаёт нафақат иктисодиёт, балки маънавият, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар ҳам унга тўлиқ буйсундирилди ва мослаштирилди. Жамиятда турғунлик ҳукуқий онг, ахлоқ, эстетик, фалсафий онг ҳам, умуман ижтимоий онгнинг ўзи ҳам, ислом ақидалари таъсирида шаклланди ва ислом доирасида ҳаракатга келди. Оламга муносабат, табиат ва жамият, инсонга оид ҳадислар ислом қарашлари ва меъёрлари орқали идрок этилди, баҳоланди.

Ислом раҳнамолари Ўрта Осиё ва Эрон олимлари орқали ҳиндларнинг табиатшуносликка оид илмий ютуқларини, суриялик ва византиялик таржимонлар ёрдамида юнон фалсафасини, шунингдек, тиббиёт ва фалакиётга оид асарларни араб тилига таржима қилдирдилар. Натижада ўша даврдаги илм-фанда инсоният эришган ютуқлар жамланди. Ислом орқали араб тилининг тарқалиши турли халқларнинг вакиллари учун ўзлаштириш имконини берди, ҳамда ҳозирги замон илм-фанига асос солишга эришилди. Хусусан Ўрта Осиё халқлари ислом дини ва унинг ғоялари шарофати билан маънавий-ахлоқий ва илмий тараққиётда оламшумул ютуқларга эришди. Ўз навбатида ислом дини ва илоҳиётини Ўрта Осиёлик улуғ алломаларнинг ижодий фаолияти, араб-мусулмон маданияти, илм-фан, фалсафанинг оламшумул ютуқларини Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Исо ат-Термизий сингари буюк муҳаддислар, Бурҳониддин Марғилоний, Мотирудий сингари фикҳшунослар, Абу Наср Фаробий, Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино сингари ўнлаб олим ва мутафаккирларнинг илмий-фалсафий меросисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ислом дини ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида Ўрта Осиё халқларининг муҳаддас қадриятига айланди. Шу боис ҳам ислом дини маданияти ва фалсафасисиз маънавий-руҳий қиёфанинг ўзига хослиги, халқимизнинг руҳияти, фикрлаш тарзи ва анъаналарининг ҳақиқий моҳиятини англаб бўлмайди.

Шариатнинг асосий меъёрлари ва қоидалари IX асрга келиб шаклланиб бўлган эди. У ўз даври учун анча илғор бўлса-да, лекин Оллоҳ томонидан белгиланган қоидалар деб қабул қилингани учун минг йил давомида ўзгармади.

Тадқиқотчи олим А. Эркаевнинг таъкидлашича, X аср ўрталаридан бошлаб маънавий ҳаётда мистик тафаккур унсурлари, ақл ва билим кучига, мантиққа унча ишонмайдиган, сир-асрор ва ғайришуурий ҳодисаларни ортиқча баҳолайдиган мутаассиблик ғолиб келгандан кейин аجدодларимизнинг ижтимоий-маданий тафаккури ва интилишлари туб янгиликларга, зўр ўзгаришларга, ижтимоий ривожланишга қаратилган ғояларни қабул қилмай қўйган<sup>57</sup>. Бунинг натижасини калом илмини ўрнини секинлик билан тасаввуф эгаллаганлигидан ҳам кўришимиз мумкин.

<sup>57</sup> Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. Т.: Маънавият, 2002 й. 125 б

X-XI асрлардан юртимизда турли суфийлик оқимлари вужудга кела бошлади. Улар яссавийлик, кубравийлик, нақшбандийлик номлари билан машхурдир. Бу тасаввуф тариқатлари ўзбек халқи маънавий-руҳий қиёфасининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Тасаввуфий оқимлар халқимиз маънавиятига, айниқса адабиёт ва санъатимиз тарихига энг кўп таъсир этган таълимотдир. Уларни орасида энг кўп тарқалгани, машхури нақшбандийлик ҳисобланади. Амир Тумур бобокалонимиз ҳам шу оқимнинг тарфдори бўлганлар.

Ўзбек халқининг маънавий-руҳий қиёфаси ўзининг янги босқичини албатта Амир Темур номи билан боғлайди. Зеро, XIV-XV асрлар Моварауннахр ўзининг бутун куч-қудратини дунёга намойиш қилган давр бўлиб тарих саҳнасига чиқди. Бу даврда ўзбек халқи шаклланишининг сўнги босқичи бошланди ва Шайбонийлар даврида тугалланди.

Темурийлар давлати ўрнида дастлаб XVI аср бошларида вужудга келган Бухоро ва Хива хонликлари ва XVIII аср бошларидан Қўқон хонлигининг вужудга келиши натижасида ягона тарихий маконда яшаган халқлар сиёсий жиҳатдан турли давлатлар тасарруфига тушиб қолган бўлса-да, бу ҳолат ўзбек халқи бирлигига путур етказа олмади. Сиёсий чегаралар бўлишига қарамасдан уч давлат таркибидаги аҳоли ўзаро доимий иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган.

XIX асрнинг 50-60 йилларида руслар Марказий Осиёнинг катта қисмини босиб олдилар, қолган қисмини эса ярим мустамлака давлатга айлантирдилар. Шу даврдан ўзбек маънавий қиёфасини мажбуран ўзгартириш бошланди. Чоризм даврида минглаб осори атиқалармизни, қўлёмаларимизни, маънавий бойликларимизни талон-тарож қилдилар. Тарихий хотирамиздан жудо қилишга ҳаракат қилдилар.

Мустақилликнинг қўлдан бой берилиши, миллий ғурурнинг камситилиши халқнинг илғор зиёлилариларини уйқудан уйғотгандек бўлди. Улар жамиятни маърифий йўл билан ўзгартирмасдан истиқлолга эришиб бўлмаслигини англаб етишди. Шундай қилиб жаҳидчилик ҳаракати юзага келди. Бу ҳаракат 1937-38 йиллардаги қатоғонларгача ўзбек халқи билан бирга бўлди. Улар ўзбек маънавий қиёфасидаги ўзгаришларни бошлаб берди. Миллий мактаб, миллий матбуот, миллий театр, миллий адабиётни тамоман янги бочқича олиб чиқдилар. Анъанавий жамиятга хос бўлган, хонликлар даврида ривожланиш учун тусиқ бўлган қадриятларни янгидан кўриб чиқиш, уларни замон талабларига мослаштиришга ҳаракат қилдилар. Миллат уйғониб келаётган бир пайтда уни мустамлакачиликнинг янги кўриниши бўлган совет империячилиги бўғиб қўйди.

Совет даврида халқимиз ўзининг миллий асосларидан, диний-фалсафий дунёқарашидан зўравонлик билан ажратилди. Ўзбек халқи учун бутунлай нотаниш бўлган жанговор атеизм, синфийлик ва партиявийлик, материализм кабилар маънавий қиёфани бутунлай салбий тамонга оғдириб юборди. Бундан ҳам даҳшати руслаштириш сиёсатининг зимдан ўтказилиши натижасида халқимизга миллий номукамаллик туйғуси сингдирилди. Унинг оқибатида миллий қадриятлар жамият назарида қадрсизлана бошлади. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Энг сара урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар эскилик сарқити дея масхараланди. Наврўз байрамини ўтказилишига турли тўсиқлар қўйишга ҳаракат қилинди ва ҳ..

Бутун XX аср давомида ўзбек халқининг маънавий қиёфаси тубдан ўзгарди ёки ўзгаришга мажбур қилинди. Ҳозир биз бундан 100 йил аввал яшаган аجدодларимиздан кўп жиҳатдан фарқланамиз. Бу асрда миллий руҳиятга кучли таъсир этган ҳодисалар истиқлолчилик ҳаракати, коллективлаштириш, очарчилик, катагонлар ва энг оғир бўлган 2-жаҳон уруши содир бўлди. Буларни барчаси ўзбек халқи маънавий дунёсига таъсир этмай қолмади.

Умуман совет идеологияси шакллантирган рамзий белгилар ҳам миллий психологияда қуллик ва тобелик дунёқарашини шакллантиришга мўлжалланган эди. Ўзбек деганда пахта, тўн ва меҳнаткаш деҳқон рамзи асосий қиёфани чизар эди, ўз шахсий фаровонлиги ва халофатидан айрилган, фикри-зикри давлатга пахта етиштириб топширишда бўлган тобе инсон тушунилар эди<sup>58</sup> - дейди бу давр менталитетини татқиқ қилган татқиқотчи Мадаева Ш.

Адабиётда миллий қиёфани ўзига хос йўналишини яратган Тоғай Мурод ижоди барча ижодкорлардан ажралиб туради. Унинг “Отамдан қолган далалар”, От кишнаган оқшом ва бошқа асарларида миллий кадриятларни кадрсизланиб бориш жараёни яққол кўрсатиб берилган. Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеъридаги қўйидаги мисралар ҳам шу ҳақда:

Кеч куз эди... Мен сени кўрдим,  
Деразадан боқарди биров.  
У сен эдинг, о, деҳқон юртим,  
Турар эдинг ялангтўш, яёв.  
- Ташқарида изиллар ёмғир,  
Кир, бобожон, яйрагил бир оз.  
Дединг:- пахта қолди-ку ахир,  
Йиғиштирай келмасдан аёз.  
Кетдинг умри мағзаним маним....

Бу сатрлар ҳақида адабиётшунос олим И. Ғаниев: “Ўзбек қайси асрда қандок бўлса бўлгандир, XX аср ўзбегининг - фитратидаги жамийки, яхши фазилатлари ўзига қарши қайратилган халқнинг суврати шудир. Бу мисраларда оғриқ ва шавқат, аянч ва изтироб, алам ва меҳр қанчалар кўп! Унда андишаси қулликкача, соддалиги гумроҳликкача, фидойилиги қурбонликкача зўрланган халқ шоирининг ҳамма ҳам англаб оломайдиган дил оғриқлари бор”<sup>59</sup> дейди. Бундан ҳам кўришимиз мумкинки, ўзбек халқи бу асрда қанчалар хўрликларни кўрганини.

Ўзбек халқи мустамлака даврида ўз тарихий илдизларидан ажралди. Унинг маънавий қиёфасини “кимлардир” ўзларининг фойдасига ўзгартирмоқчи бўлдилар. Лекин ўзбек халқининг асл фарзандлари бу фожиадан миллатни қутқариб қолдилар. Маънавий-руҳий қиёфа шаклланишининг тамоман янги босқичи 1991 йил 31 августда Президентимиз И. А. Каримовнинг мустақилликнинг эълон қилишлари билан бошланди.

<sup>58</sup> Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. Т.: 2009 й. 90 б

<sup>59</sup> Ғаниев И. Афоқова Н. Озод рух фалсафаси. – Т.: Фан, 2006. 23 б

## II. II МИЛЛАТ РУҲИАТИНИ МИЛЛИЙ ҒОЯДА НАМОЁН БЎЛИШИ

*Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шакллантиришдан иборат.*

*Ислом Каримов*

Мустақиллик йилларида миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиши учун мустақкам замин яратилди. Бу ишларда албатта Президентимизнинг хизматларини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Президентимиз ўзининг қатор асарлари ва маърузаларида миллий ғоянинг муҳим аҳамиятини, унинг ўзбек халқи руҳияти билан ҳамоханг эканлигини кўп бора таъкидлаб ўтганлар. Шу ўринда юртбошимиз И. А. Каримовнинг 2006 йил 6-апрел куни миллий истиқлол мафкураси концепциясига бағишланган илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан бўлган учрашувда билдирган фикрини келтириш ўринлидир:

-Азиз биродарлар, билиб қўйинг, маънавий, руҳий дунёда ҳеч қачон бўшлиқ бўлмайди. Жамият ҳаётида соғлом ғоя устивор бўлмас экан, албатта зарарли таъсирлар сукулиб киришга ҳаракат қилади. Бу қонуният.”<sup>60</sup> Айни шу фикрдан, биз, миллий ғоя, миллий мафкура борасидаги ишларимиз республикаимизнинг маънавий-руҳий муҳити билан қанчалар мослигини билишимиз мумкин бўлади.

Қисқача ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмун моҳиятига диққатни қаратамиз. Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Бинобарин, ғоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина ғоя бўла олиши мумкин<sup>61</sup>.

Ғоя ҳал этилиши лозим ва зарур бўлган муҳим муаммолар, вазифалар тизимини ўз ичига олади ва асосан истиқболга йўналтирилган бўлади.

Мафкура эса, муайян ижтимоий гуруҳ ва қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир.

Мафкурада миллатнинг маънавий қиёфаси, руҳияти, дунёқараши ва менталитети барқ уриб туради. Мафкурада ўзбекларга хос босиқлик, вазминлик, соддалик, ўзаро ҳамдардлик, эътиқодлилик, фидойилик, бағрикенглик ва бошқа бир қатор қадриятлар ўз ифодасини топган дейишга барча асослар мавжуд.

Миллий ғоянинг моҳияти ҳақида юртимиз олимлари ўзининг турли фикрларни билдириб келмоқдалар. Бу борада Президентимизнинг миллий ғоянинг моҳияти ҳақидаги фикрлари диққатга сазавордир. “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида миллий ғоямизни маъно-мазмуни, илмий-фалсафий асослари таҳлил қилиб берилди. Жумладан “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун

<sup>60</sup> Рўзиев Ш. Мафкуравий иммунитет манбалари. А. Навоий номидаги Ўз. миллий кутубхонаси нашриёти. Т.: -2008. 15-бет.

<sup>61</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Маънавият, 2002 й. 26 б.

халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маънодаги тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”<sup>62</sup> – дейилади.

Миллий ғоя ижтимоий сиёсий ғоялар тараққиётининг маълум бир босқичида юзага келган. Биз, асосан миллий ғоя миллат руҳиятининг ажралмас қисми эканлигига эътиборни қаратамиз.

Миллий ғоя миллат рамзи, тимсоли, мақоми ва мустақиллигини англатувчи унинг “мен”лигини, маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳияти даражасини кўрсатувчи омили ҳисобланади. Миллий ғоя миллий “мен”ликни тараннум этувчи, унга маънавий-руҳий қиёфа бағишлаб турувчи манба бўлиб, маънавий-руҳий салоҳиятдаги миллийликни асраш, унга куч-қудрат бағишлаб туриш вазифасини амалга оширади.

Одамларнинг турли уруғлар, қабилалар, элатларга бўлиниши заминиди ҳам маълум умумий манфаат ва мақсадлар ётганки, кейинроқ бориб улар ижтимоий ғоянинг ҳам ўзагига, мазмунига айланган. Миллий ғояда истиқболга йўналтирилган умумий, асосий мақсадлар тизими ўз ифодасини топади.

Миллий ғоя миллатнинг ўзига хос этник бирлик эканини белгиловчи асосий ижтимоий- маънавий омиллардан биридир. Миллат мавжуд экан, миллий ғоя, миллий мафкура ҳамма вақт сақланиб қолади ва ривожланиб боради.

Умуман жаҳон тарихида ўзига мос миллий ғояга, мафкурага эга бўлмаган этник бирлик учрамайди. Бирорта бошқа ижтимоий, сиёсий ғоя одамларнинг онги ва эътиқодига миллий ғоя сингари чуқур ва самарали таъсир этмайди. Бунинг сабаби у миллий манфаатлар, миллий руҳият, обрў - эътибор, кадр - қиммат, ҳис – туйғулар, ор – номус билан мустаҳкам равишда боғланиб кетганидир.

Чоризм, совет тузуми даврида Ўзбекистоннинг бойликлари таланди, маҳаллий халқларнинг ҳуқуқлари камситилди. Лекин миллий тиллар, маданий мерос, анъана ва қадриятлар оёқ-ости қилиниши, тарихни сохталаштирилиши миллий озодлик ҳаракатлари жонланишига бевосита ва чуқур таъсир этган омиллардан бўлди, Очлик ва қашшоқликка чидаган одамлар маънавият борасидаги адолатсизликларга бардош бера олмадилар. Шу сабабли халқ ичида кучайган ҳиссиёт ва эҳтирослар ҳам миллий ғояга кучли таъсир этиши мумкин.

Миллий ғоя ниқоби остида турли сиёсий манфаатлар тўкнашиб туриши барча даврларда ҳам содир бўлган. Бундай ҳолат миллий ғояни билиш ва унга амал қилишнинг ахлоқий, сиёсий, эътиқодий хусусиятларига боғлиқ. Масалан, Италияда 1914 йилда фашизм, мустамлакачилик, ирқчилик мақсадларини халқнинг асосий миллий ғоясига айлантиришга қаратилган «Миллий ғоя» номли газета нашр этила бошлаган. Бу газета тарғиб этган “Миллий ғоя” Италия халқининг асосий тарихий манфаат ва мақсадларига ҳам зид эди. Шу сабабли XX асрнинг ўртасида Италияда фашизм билан бирга унга қарши бўлган антифашист ҳаракатлар ҳам кучайди. Инсоният тарихида ҳамма вақт ҳақиқий миллий ғояга таянган кучлар ғалаба қилиб келди.

Ажнабий босқинчилар, мустамлакачилар барча даврларда миллий ғояни йўқотиш йўли билан халқларни маънавий бўҳрон гирдобига тортмоқчи, бир -

<sup>62</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 й. 71 б

бирига қарама - қарши бўлган гуруҳларга бўлиб ташламоқчи бўлдилар. Чоризм даврида Туркистон турли губернияларга, хонликларга, совет тузуми шароитида эса беш “мустақил” республикага бўлиб ташланиши ҳам миллий ғояни заифлаштириш йўлидаги ҳаракат бўлгани сир эмас. Аҳоли ўртасида уруғ - аймақчилик, маҳаллийчилик кайфиятлари кучайтирилиши ҳам шу мақсадлар билан боғлиқ бўлган. Умуман тарихда Туркистонни босиб олган барча босқинчилар миллат руҳияти, кучи ва қудратининг манбаи бўлган миллий ғояни йўқотишга, ёки имкони борича заифлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Миллий ғоя кишиларнинг руҳигагина эмас, балки қон - қонига ҳам сингиб кетади, инсон, миллат ҳаётидаги ўз-ўзини ҳимоя қилиш, ўз- ўзини сақлаб қолиш имконияти, кучининг ички моҳиятини ташкил этади. Бу руҳий имкониятни тазйиқ ва таъқиб билан йўқотиб юборишга ҳаракат кучайса, унинг ўз-ўзини сақлаш, ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган руҳий қаршилиқ кўрсатиш имконияти ҳам орта боради. Бу ҳам қон - қонига сингиб кетган миллий ғоянинг инсон фаолиятида намоён бўлишидир.

Чоризм, совет ҳукумати ўзбек халқининг тарихини сохталаштиришга, жаҳондаги мавқеини заифлаштиришга, миллий анъана ва қадриятларини хаспўшлашга мунтазам ҳаракат қилиб келди. Бундай тазйиқ бир ярим асрга яқин давом этди. Бундай сиёсат маълум натижалар берди ҳам. Лекин тазйиқ кучайиши билан бирга миллатнинг ўзлигини англашга, тарихи ва қадриятларини билишга интилиши ҳам кучая борди. Совет тузуми шароитида ўзбек тилига давлат мақоми беришни талаб қилувчи ҳаракатлар оммавий тус олиши ҳам бунинг исботидир. Ўша даврларда ҳам ўзбеклар ўзига хос диний, миллий урф – одат, анъаналарини сақлаб қола олдилар, маҳалла-куйчилик муносабатларида, миллий ахлоқ - одоб борасида ҳам жиддий ўзгариш юз бермади. Булар миллий ғоя кишиларнинг онги ва эътиқоди, руҳи, қон - қонига сингиб кетганининг натижасидир. Президентимиз Ислом Каримовнинг сўзлари билан айтганда, узоқ вақт давом этган мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан – авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини, ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди<sup>63</sup>.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Корея икки давлатга бўлиб юборилса ҳам халқнинг қалбида этник бирликни, бу билан боғлиқ бўлган бурч ва масъулиятни ҳис қилиш туйғуси йўқолиб кетмади. Инсон ўз Ватанидан, халқидан қанчалик узоқ бўлса унга шунчалик чуқур меҳр, эътиқод, ҳурмат билан қарайди. Бу ҳам миллий руҳнинг моҳиятини белгиловчи ғоядир.

Демак, кишиларда этник бирликка мансубликни англашнинг ижтимоий асосларидан ташқари, уларнинг қалби турида баъзан англаш ва тушунтириш қийин бўлган ирсий, онг ости омиллари ҳам бор. Ватандан олисда яшайдиган ҳамюртларимиз ўзининг, ота – онасининг, ҳатто боболарининг киндик қони тўкилган юртни шу юртда яшаётган ўзбеклар каби севадилар.

Агар Ватандан олисда бўлсак, умримизда ҳеч кўрмаган ўзбекни учратиб қолсак, эски қадрдонлардек кўришамиз. Одам одамга мухтож, дейдилар. Лекин одам биринчи навбатда қалбини, руҳиятини тез ва осон тушуна оладиган миллатдошларига мухтож бўлади. Мусофирликда юрган ўзбек жамоаларидаги

<sup>63</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998 й, 172 б.

маънавий вазият, ҳамдардлик ва ҳамкорлик ўз ватанида яшаётган ўзбекларникига нисбатан анча мўътадилроқ, мустаҳкамроқ десак хато бўлмаса керак. Инсон қандай яшамасин, қандай мансабда ишламасин, доим ҳимояга, суянчиққа мухтож бўлади. Бу суянчиқни, ҳимояни у биринчи навбатда ўз Ватанидан, миллатидан кутади ва топади. Шу сабабли турли шароитларда, ҳатто интизом қаттиқ бўлган ҳарбий хизматда, қамоқхоналарда ҳам бир миллат вакиллари тезда бир – бирини топиб олади, уларга суянади, керак бўлса ҳимоя қилади. Инсон қанча байналминалчи бўлмасин, унинг руҳида, қалбида миллий руҳияти, эътиқоди йўқолиб кетмайди. Демак, миллат мавжуд экан, миллий ғоя доим тараққиётининг руҳий - маънавий омили сифатида сақланиб қолаверади.

Ўзбекистон жаҳондаги барча ўзбекларнинг бошини қовуштирадиган, манфаати, кадр-қиммати ҳимоя қила оладиган ягона мамлакат, умумий Ватан эканини англаш ҳам маънавийдир. Хориждаги ҳолис ниятли ватандошларимиз ҳам Ўзбекистоннинг ютуқларидан мағрурланадилар, юрт бошига ташвиш тушса, руҳий изтироб чекадилар.

Миллий ғояни қулоқ билан эшитиш етарли эмас, уни қалб билан сезиш ва англаш керак. Инсон шундайки, у қариб, ёши ўтгани сари тарихан шаклланган миллий ғоялар, булар билан боғлиқ бўлган миллий маданият, турмуш тарзи, анъаналар ва урф – одатларга эътиқоди мустаҳкамланиб бораверади. Ёшлар эса миллий ғояни асосан тарбияга таяниб англайдилар.

Шу сабабли миллий ғояни узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб, ривожланиб, муайян этник бирликларнинг барқарорлиги ва яхлитлигини таъминлайдиган руҳий замин деб ҳам қарамоқ керак. Бу руҳий замин миллат вакиллариининг қалбида ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор туйғуси, тарихий хотира, миллий ўзликни англаш, бурч ва маъсулиятни ҳис қилиш шаклида намоён бўлади. Миллий бирликни таъминловчи тил, ахлоқ, миллий руҳий ҳолат ҳам миллий ғоянинг кучайишига таъсир этади.

Ўзбек халқининг қалбида Амир Темури замонларида юзага келган миллий ғояларнинг таъсири ҳам бутунлай йўқолиб кетгани йўқ. Улар янги даврдаги шароитлар, эҳтиёжлар, имкониятлар асосида янада кенгайди, бойиди, серқирра бўлиб, сайқал топди. Ҳозир эса бу ғоялар янги давр руҳи билан боғланиб, янада кенгроқ кўламда намоён бўлмоқда. Президентимиз И. Каримов кўрсатиб ўтганидек “давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темури бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тadbиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолгусидир. Биз бу зоти олийдан ҳамиши руҳий мадад оламиз”.<sup>64</sup>

Бир этник гуруҳ вакиллари узоқ даврлар давомида бир – биридан ажралиб, турли давлатларда яшаши натижасида маҳаллийчилик кайфиятлари ҳам уларнинг онги ва эътиқодида катта ўрин олади. Бу ҳам бир миллат вакиллари умуммиллий ғоя атрофида бирлашишига салбий таъсир этувчи омилдир. Ўзбеклар, баъзан, маҳаллийчилик кайфиятига берилиб, ўзларини фарғоналиклар, тошкентликлар, самарқандликлар, хоразмликлар, ва ҳоказоларга ажратиши, баъзи гуруҳлар онгида миллий ғоя заифлиги улар халқнинг миллий тарихи, тақдири, иқтисодий, сиёсий, маънавий манфаатлари бирлигини етарли даражада англаб олмаганлиги белгисидир.

<sup>64</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Ўзбекистон. 7-б.

Уруғ - аймоқчилик ва маҳаллийчилик умуммиллий ғояларни амалга ошириш йўлидаги яна бир тўсиқни – гуруҳбозликни келтириб чиқаради. Гуруҳбозлик – умуммиллий манфаатларни, уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни маъсулият билан, муштарак англамасликнинг натижасидир. Гуруҳбозлик миллатнинг умуммиллий истиқболини, унга эришиш йўлларини белгилашдаги катта тўсиқдир. Бундай иллатлар маълум шароитларда миллатнинг ижтимоий, маънавий бирдамлигига раҳна солмоқчи бўлган ташқи кучларнинг мафаатига ҳам хизмат қилиши мумкин. Ўзбеклар ўз тарихининг айрим даврларида ички зиддиятлар, турли босқинчилар олиб борган сиёсат таъсирида бир – бирдан ажралиб яшадилар, турли майда давлатларга бўлиниб кетдилар. Бу эса маҳаллийчилик кайфиятларини кучайтиради. Халқимиз мустақилликка эришиб, ўзининг яхлит миллий давлатини барпо этган шароитда экстремистлар таъсирига берилиб, мамлакатни яна турли хонликлар ва амирликларга бўлиб юборишга интилиш миллий ғояларга бутунлай зид бўлган ҳаракатдир.

Миллий ғоянинг муҳим тамойилларидан яна бири – халқимизнинг тарихий хотираси, ўз она юрти ва халқига бўлган чексиз ҳурмати, ифтихоридир. Ўзбек халқининг миллий ғоясида бу омил ҳар доим устувор бўлган. Бунинг сабаби - Ўзбекистон бизнинг ягона тарихий ватанимиз эканлигидир. Шу табарруқ тупроқда асрлар давомида ота – боболаримиз яшаган, бизнинг ҳам киндик қонимиз тўкилган. Шу заминда келажак авлодларимиз ҳам яшайди. Инсон учун она битта бўлгани каби Ватан ҳам биттадир. Халқимиз эътиқодига кўра Ватан танлаш ватанпурушлик ҳисобланади.

Ватанимиз инсоният цивилизациясининг йирик учоқларидан бири бўлгани учун ҳам уни кўпроқ севамиз. Давлатчилигимизнинг тамал тошлари ҳам бундан деярли 3 минг йил олдин қўйилган. Президентимиз И. Каримов кўрсатиб ўтганларидек, «Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади».<sup>65</sup> Ватанга муҳаббат халқимизнинг қон - қонига сингиб кетган азалий фазилатидир. Ватан тарихи ва тақдирига бефарқ қараш манқуртлик ҳисобланади. Ватанда яшаб, уни кадрламаслик, ҳимоясига тайёр бўлмаслик асло мумкин эмас.

Президентимиз И. Каримов халқимизнинг миллий ғоясида, эътиқодида ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғуси чуқур ўрин олганлигининг сабаблари устида алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни айтган: «Бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз зарур. Ўзбек заминида асрлар давомида фан ва маданиятнинг турли соҳаларида буюк истеъдодларнинг парвариш топгани бежиз эмас, албатта. Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун, аввало, асрий анъаналар, тегишли шарт – шароитлар, тафаккур мактаби, маданий – маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл – насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафкураси ва қонуният жўш уруши лозим».<sup>66</sup>

Ўзбек халқининг миллий ғоясида одамларда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш мақсадлари ҳам катта ўрин олган. Инсонпарварлик ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ҳақиқатга ташналик, иймонлик, инсофлилик, виждонлилик, раҳм–шафқатлилик, меҳр–мурувватлилик, тежамкорлик, андишалилик, шарму ҳаёлилик

<sup>65</sup> И.А.Каримов. «Маънавий юксалиш йўлида». Тошкент. «Ўзбекистон». 1997 й. 429 -бет.

<sup>66</sup> Ўша асар 456 -бет

маънавий камолот мезони сифатида қадрланган. Беваларга, етим–есирларга, беморларга, мухтожларга ёрдам кўрсатиш энг савобли ишлар жумласига киритилган.

Президентимиз И. Каримовнинг кўрсатишларича “қадимги аجدодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тил билан айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши керак”<sup>67</sup>

Бунинг моҳияти инсоннинг инсонга бўлган адолатли муносабатидир. Машхур мутафаккир суфий Баҳовуддин Нақшбанд мухтож инсонга ёрдам кўрсатишни энг савобли иш деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, намоз ўқиётган вақтда бирор одамга ёрдам бериш керак бўлса, дарҳол намозни тўхтатиб, ёрдамга ошиқиш керак. Мухтож одамга ёрдам бериш орқали орттирилган савоб намоздан келган савобдан ортиқроқдир. Шу сабабли инсонпарварлик миллий эътиқодимизнинг асосий мезони бўлган.

Бу ўринда Алишер Навоийнинг қуйидаги фалсафий мисрасини ҳам келтириш мумкин:

***Кимки бир кўнгли синиқнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким Каъба вайрон бўлса обод айлагай.***

Демак, миллий руҳимиз, маънавиятимиз мезонларига кўра, бир мухтож, эзилган, қийналган одамга ёрдам бериш савоблиги жиҳатидан вайрон бўлган Каъбани тиклаш билан баробардир.

Инсониятнинг умумий тарихи ва тараққиёти муайян боғлиқлик асосида амалга ошар экан, бир миллий ғояни иккинчи миллий ғоядан бутунлай ажратиб олиб қараш мумкин эмас. Жаҳон ҳамжамияти қарор топиб, мустаҳкамланиб боргани сари умумий мақсад ва манфаатлар йўлидаги бирлик, боғлиқлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликнинг ўрни ва аҳамияти ҳам ортиб бораверади. Ғоявий муштараклашув, яқинлашув жаҳон ҳамжамияти учунгина эмас, балки ҳозирги даврдаги кўп миллатли мамлакатлар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳозир жаҳонда фақат бир миллат вакилларидагина иборат бўлган мамлакат йўқ. Турли мамлакатлар аҳолисининг кўп миллатли таркиби бундан кейин ҳам ортиб бораверади. Бир мамлакат доирасида яшаш фуқароларни муайян мақсадлар, манфаатлар йўлида бирлашиши, уюшишини, фаолият кўрсатишни ҳам тақозо этади. Бу бирлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ҳам муайян умумий ғоялар асосида юзага келади.

Ҳозир Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари яшамоқда. Уларнинг манфаати, эътиқоди, миллий маънавияти ва руҳиятини айнан бир мезон билан ўлчаш мумкин эмас. Лекин бу ўзига хослик ягона, мустақил давлат ва унда яшаётган халқларнинг умумий мақсадлар йўлида бирлаштириш эҳтиёжини истисно этмаслик керак. Бу мамлакат тараққиётининг асосий йўналишлари ва истиқболлини белгилайдиган ғояда ҳам ўз ифодасини топмоғи зарур. Президентимиз Ислам Каримов кўрсатиб ўтганларидек, ғоявий муштарақлик “юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун, унинг миллати, дину эътиқодидан қатъий назар, тенг бўлиб яшаш, ягона уйимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг бугунги ва келажак ҳаётини кўриш имконини яратди”<sup>68</sup>

<sup>67</sup> Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: Ўзбекистон. 1997й. 461 бет.

<sup>68</sup> Ўша асар. 355 бет.

Ҳозирги миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири Ўзбекистонни жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлардан бирига айлантиришдан иборат экан, бу мақсад амалга оширишдан республикада яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари бирдек манфаатдордир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган ҳозирги шароитларда эса миллий уйғониш ва покланиш жараёнини тезлаштириб, Она Ватанимизни жаҳондаги ривожланган дунёвий, демократик давлатлардан бирига айлантириш, таълим – тарбия ишларини замон талаблари даражасига кўтариш миллий ғоя тизимида устувор аҳамият касб эта бошлади. Ҳозирги кундаги тараққиётимизнинг асосий йўналиши бўлган бош миллий ғоя устида тухтаб Президентимиз Ислом Каримов қуйидаги фикрларни айтди: «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат»<sup>69</sup> дир. Бу ҳам Ўзбекистонни ривожланган, келажаги буюк давлатга айлантиришнинг асосий шартларидан биридир. Ўзбекистонда 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб аталиши, соғлом авлодни тарбиялашнинг Миллий дастури, Миллий ғоя ва мафкура концепцияси қабул қилиниши маънавий бой, ахлоқий етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмоний бақувват ва ҳар томонлама камол топган ёшларни тарбиялаш вазифаси миллий ғоя тизимида муҳим ўрин олиб бораётганини кўрсатади.

Миллий ғоя миллат тарихи, тақдири, тараққиёти билан боғлиқ бўлган манфаатлар ва мақсадлар тизими бўлса ҳам, у ўз-ўзидан тараққиётга йўналтирувчи субъектив омил бўлиб қолавермайди. Ҳар қандай ғоя халқнинг онгига сингиб, фаолиятига асос бўлгандагина реал кучга айланади. Миллий ғоя халқнинг онгига сингиб, фаолиятига асос бўлиши эса мафкура, маърифий тадбирлар орқали амалга ошади. Шу маънода миллий ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳияти айнан бир хил эмас. Мафкура миллий ғоя билан тақозо этилган мақсадларни аниқ шароитлар, имкониятлар, манфаатлар билан боғлашдир. Уларни тарғиб этиб, омманинг онгига сингдиришдир. Мафкура, маърифат миллий ғоя билан одамларнинг амалий фаолиятини боғлаб турувчи кўприқдир. Бу Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўзининг аниқ ифодасини топган: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни пайтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ, равшан белгилаб беришига хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир бўлган ғояни мен жамият мафкураси деб биламан».

Бу фикрларда миллий ғоя ва мафкура бир-бири билан узвий боғлиқлигини кўриш мумкин.

Ҳар қандай мафкура асосида муайян ғоя ётар экан, ғояни-мақсад, мафкурани-восита сифатида таърифлаш мумкин. Мақсад бўлмаса воситага эҳтиёж бўлмаганидек, восита бўлмаса мақсад ҳам қуруқ орзу бўлиб қолаверади. Умуман олинганда, синфий, сиёсий мафкурага нисбатан миллий мафкура миллий ғоя билан бевосита боғланган бўлади.

Миллий ғоя билан миллий мафкуранинг умумий ва ўзига хос томонларини билиш амалий муаммоларни ҳал этиш учун катта аҳамиятга эга. Биз миллий

<sup>69</sup> Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 7-б.

ғояларнинг таъсири ортиб, миллий мафкуралар шаклланиб, мафкуравий курашлар кучаяётган даврда яшамоқдамиз. Қадриятларимизга таянган миллий ғоя бойиб, миллий истиқлол мафкураси билан боғланиб халқимизни буюк тарихий вазифаларни бажаришга сафарбар этмоқда.

Ўзбекларда шундай бир ажойиб мақол бор:

***Кўрдингизми, қил ўзи кўп майдадир,  
Биргалашиб арқон бўлса фил бойланур.***

Бу мақолда айтилишича, бир дона, ажралиб турган қил ниҳоятда заиф бўлади. Уни шамол хоҳлаган томонга учириб кетиши мумкин. Агар майда қиллар бирлашиб, улардан арқон тўқилса, у билан қудратли филларни ҳам боғлаб олиш мумкин. Бу ўринда қил миллатнинг вакили бўлган алоҳида шахс сифатида тасвирланган. Шахслар бир-биридан ажралиб қолса, умуммиллий ғоя асосида бирлашмаса, бўлинганни бўри ер, деганидек, уни беаёв тақдир ҳамма томонга буриб кетиши мумкин. Агар миллат вакиллари бирлашиб, аҳил бўлиб турса, ҳар қандай ғовни ҳам енгиб ўтишга қодир бўлган қудратли кучга айланади.

### **III БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ КОНЦЕПЦИЯ АМАЛИЁТИДА ХАЛҚ МАЪНАВИЙ-ҚИЁФАСИНИНГ ЎРНИ**

#### **III.I Мустақиллик даврида ўзбек халқининг маънавий-рухий қиёфасидаги ўзгаришлар ва уларнинг демократик жамият қуришдаги аҳамияти**

*Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутилмаса, инсон  
тўла озод бўлолмайди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар  
ҳал қилади.  
Ислом Каримов.*

Истиқлол ўзбек халқи маънавий дунёсида янги ўзгаришларни бошлади. Юртимизда миллий мустақилликка эришилгач, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳалардаги жуда катта ўзгаришлар билан бирга мафкура соҳасида ҳам туб бурилишлар амалга оширилди. Ўзбекларнинг миллат сифатида ривожланиш жараёни Ўзбекистон мустақилликка эришган санадан бошлаб янгича мазмун касб этди. Тарихий томирларидан куч олган ўзбек халқи маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш-тарзи ўзига хос уйғониш ва янгиланиш палласига қадам қўйди.

Халқимизнинг истиқлол даври маънавий қиёфасида демократик хусусиятлар ҳосил бўлишининг бир нечта муҳим истиқболли жиҳатларни кўрсатиш мумкин:

1. Халқимиз тафаккурида унинг кечаси ва бугунини боғловчи, келажак ҳаёт учун умид, истак, иштиёқ, берувчи тарихий хотира шаклланди. Миллий ғояга асосланган, миллий давлат ва миллий тараққиёт моделида тарихий хотиранинг шакллантирилиши энг асосий омиллардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, “ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродани мустаҳкамлайди”<sup>70</sup>. Ҳақиқатан ҳам тарих фақат ўтмиш ҳақидаги маълумотлар ва тушунчаларни ифодалаш билан чекланиб қолмайди. Унинг буюк қудрати, тарбиявий кучи ўтмишни ўрганиш, тадқиқ этиш орқали бугунни баҳолаш, бугунги ва эртанги кунлар учун ҳулосалар ишлаб чиқиши ва келажакни режалаштиришга ёрдам беришида намоён бўлади.

2. Юртимизда демократик жамиятга хос дунёқарашни шакллантиришга тамал тоши бўла оладиган иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий ҳаётни комплекс равишда қамраб олувчи тараққиёт стратегияси ривожланишнинг “ўзбек модели” ишлаб чиқилди.

3. Сиёсий тизим асосини ташкил этувчи социал институтлар, маданий-маърифий сафарбарликни бажарувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари, умуман миллий маънавият ва маърифатга ўзини маъсул деб билган зиёлилар фаолиятида миллий моделга асосланган демократик тараққиёт жараёнида, иқтисодий, сиёсий

<sup>70</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т 8. – Т., 2000. -493-б.

маънавий жиҳатдан ўз-ўзини ташкил этувчи такомиллашишга уринишни кузатиш мумкин.

Президентимиз, халқимиз маънавий қиёфасини ўзгартириш жараёнларини тадрижий тарзда амалга оширишда асосан, икки йўналишда амалий фаолиятларни ташкил этиш, яъни анъанавий азалий қадриятларимизга, бугунги миллий тараққиётимизга хизмат қиладиган халқимизнинг урф-одатлари, тили, дини, руҳиятига, қисқача айтганда, дунёқараши ва тафаккурига асосланиш бўлса, иккинчиси — умуминсоний ва замонавий ютуқларга таяниш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатиб берди. Маълумки, тафаккур тарзи, дунёқараш, руҳият омиллари феъл-атвор, характер тизимида ўзак жиҳатлар ҳисобланиб, барча ўзгаришларнинг ибтидосидир. Тафаккур тарзини такомиллашувида эса маънавий-маърифий омиллар муҳим роль уйнайди.

Мамлакатимизда таълим ҳақидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг қабул қилиниши, маънавият омилларининг давлат сиёсатида устувор йўналишга айлантирилиши, бу борада амалга оширилган кенг кўламдаги фаолиятлар миллат феъл-атвори, тафаккури ўзгаришларига жиддий туртки берди. Иккинчи жиҳатдан эса жамиятимизнинг ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик доираларининг, илмий-техникавий, маданий уйғунлашув миқёсларининг мунтазам кенгайиб бориши кишиларимиз дунёқараши, турмуш тарзида янгича ёндошувларни таркиб топтираётир. Бинобарин, ҳар қандай тараққиёт, цивилизациялар турли халқлар маънавияти, маданияти, эришган ютуқлари ва интилишларининг синтезидан туғилади.

Ўзбек характерини ўрганиш ва ўзгартиришнинг тамал тошини жаид боболаримиз қуйган эди. Улар жаҳон кезиб, қиёслаб, ўзбекнинг замоннинг илғор миллатига айлантириш учун миллий тарбиявий ишга киришдилар. Бу ўз мақсад ва моҳияти билан ўзбек характерини ислоҳ қилиш эди. Чунки Туркистоннинг аҳволи жаҳоннинг ўша даврдаги тараққиётдан анча орқада эди. Хабарсизлик, ҳафсаласизлик, меҳнатга, эл-юрт равнақи ва ободончилигига иштиёқсизлик, келажак учун курашмаслик, ғайратсизлик, умуммиллий даражада намоён бўлганлиги туфайли жаидчилар миллатни бу сифатларидан маърифий йўл билан тозалаш йўлини танладилар. Ўзбек характерини XX асрнинг пешқадам миллатлари даражасига кўтариш учун қатор чора тадбирлар, вазифаларни белгилаб, қисман бўлсада амалга оширдилар. Совет тузуми миллатпарварларнинг бу сай-ҳаракатларига чек қўйди. Коммунистик тарбия совет характерини шакллантиришга киришди. Ўзбек халқига меҳмондўст, меҳнатсевар, пахтакор бўлишга руҳсат берилди.

Булар — ўзбек совет характерининг етакчи чизгилари сифатида кўкларга кўтариб мақталди. Миллий ўзликни, миллий давлатчиликни, миллий келажакни орзу қилишга, анъаналарни тиклашга қаратилган ҳар қандай интилишга миллатчилик айби тўнқалди. Шу сабабли совет характерини ўзбек муҳити тўла қабул қилмади. Ижтимоий конформизм расман совет кишиси, қалбан ўзбеклик, расман атеист — қалбан мусулмонлик уч авлодда давом этди. Совет характери, совет тузуми каби асосан кўчада яшади. Ўзбеклар совет характерини ишхонада қолдириб, оилаларида, уйларида, маҳаллаларида миллий ҳаётга — ўзлигига қайтар эдилар.

Миллий характер шу тариқа 70 йил давомида бир бирига зид икки таркибий қисмга бўлиниб, иккиланиб яшади. Парваришсиз қолдирилди. Зеро, жаидчилардан кейин ўзбек миллий тафаккурини, характери ни жаҳоннинг мутараққий миллатлари даражасига кўтариш иши тўхтаб қолди.

Чор Россияси ҳамда советлар мустамлакачилиги даврида халқимизга хос бўлган ҳамжиҳатлик, жанговарлик, ҳар ишда сўз ва иш бирлиги сингари фазилатларга жиддий зарар етказилди. Халқ орасида миллий бирликка интилишдан кўра гуруҳий, этник, маҳаллий ва ҳудудий айирмачиликка берилиш кучайди. Халқ маънавий қиёфасида тақдирга тан бериш, ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, лоқайдлик каби хислатлар авж олди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўтмишдан мерос бўлиб ўтган ана шундай салбий ҳолатларга янгича нигоҳ билан қараш, аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган ғоят улкан, бебаҳо маънавий, маданий меросимизни, ўтмиш тарихимизни, қолаверса, умуммиллий маънавий ислохотларни амалга ошириш асосий вазифалардан бири сифатида эътироф этилди ва улар давлат сиёсати даражасидаги ғоят муҳим вазифа қилиб белгиланди. Бугунги кунда ҳаётий заруратнинг ўзи халқимиз феъл-атвори, маънавий дунёсини янгилашга жиддий эътибор қаратишга ундамоқда.

Жаҳоннинг миллий мустақилликка эришган Осиё ва Африка мамлакатлари тараққиётнинг уч йўлидан бирини танладилар: миллий модернизм, миллий консерватизм, миллий реформизм. Бу йўналишларга мос миллий маънавий қиёфа шакллантирилди. Миллий модернизм – миллий, аجدодлар анъаналарини жаҳон цивилизациясининг ютуқлари билан уйғунлаштириб яшаш, миллий консерватизм қадимийчилик. Ота-боболар қандай яшаган бўлса, шундай шароитда яшаш, миллий реформизм – миллий анъаналардан воз кечиб, тараққий этган бошқа мамлакатлар турмуш тарзини қабул қилиш. Биз миллий модернизм йўлини танладик, бу миллий замонавийлашув йўли сифатида 100 йил аввал жаид боболаримиз томонидан асос солинган йўл эди. Фақат бу йўлни давом эттириш бизнинг вазифамиз бўлиб қолди.

Истиқолимиз давлат тузуми ва жамият ўртасидаги тубсиз жарликка барҳам берди. Кишилар давлат ҳокимиятига нисбатан анъанавий ҳадик, қўрқув иложсизлик ва ғанимлик туйғуларидан холос бўлдилар. Аҳоли давлатга фақат тобелик мақомидан озод бўлиб давлат билан тенг ҳуқуқий ҳамкорлик муносабатларига кириша бошладилар. Давлат одамларга ўз турмуш тарзи, хўжалиги, индивидуал ва жамоавий меҳнат фаолиятларини йулга қўйиш учун пул кредитлари техника, суғурта кафолатлари билан реал кўмакчи мавқеига ўзгарди. Демак, давлат ва қонунчилик тизими одамлар, жамиятнинг ўзгариши учун шундай ҳуқуқий шарт-шароитларни юзага келтирдик, токи шу ўзгаришлар моҳиятан изига қайтмас хусусият касб этди.

Албатта, бозор муносабатлари аҳоли руҳияти, турмуш тарзи меҳнат фаолиятлари мазмунига ҳам катта таъсир кўрсатди. Шу таъсирлар оқибатида одамлар ҳулқ,-атвори, феъли, характерида ҳам маълум ўзгаришлар юз бера бошлади. Бозор муносабатлари халқимиз учун уникал бўлган бағрикенглик, жамоавийлик, хотамтойлик сингари фазилатларга раҳна солиш хавфини туғдира бошлади. Ана шундай муҳитда халқимиз менталитети, характер бирлиги ва ўзига

хослигини сақлаб қолишдек катта ижтимоий зарурат йирик умуммиллий муаммо сифатида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу муаммо ҳақиқатдан ҳам ғоятда долзарб ижтимоий вазифа сифатида Президентимиз асарларида батафсил таҳлил қилиб берилди. Халқимизнинг юқорида қайд этилган умуминсоний моҳиятга эга бўлган эзгу фазилатларини асраш ва ижобий ҳолатлар сифатида эндигина бўй кўрсатаётган янги миллий жиҳатлар ва хусусиятларга кенг имкониятлар очиш учун илгари тажрибада бўлмаган, аммо энг турли йўл, муаммонинг донишмандона ечими Президентимиз томонидан илгари сурилиб ҳаётга фаол жорий этила бошланди. Бу ечимни мазмуни ва моҳияти эътиборига кўра ялпи маънавий тикланиш йўли, маърифат, илм, маданият йўли дейиш мумкин. Зеро, ўзгарган тузум ва ўзгараётган жамият, тобора куч олаётган бозор иқтисодиёти, ташқи ва ички муҳолифят таъсири шароитида асоси мустаҳкам, пойдевори катъий фақат бир омил яъни илм-маърифат кучигина халқ маънавий бирлигини сақлаш имконини берар, миллатни ўз яхлитлигини асраган ҳолда янги тараққиёт кўламларига олиб чиқишни муқаррар қилар эди. Дарҳақиқат, худди шу йўл тажрибалари бугунги кунда Президентимиз нечоғли ҳақ, бўлганликларини реал исбот этмоқда.

Ўзгараётган муҳит табиийки ўзгарган янги шахсларни таркиб топтиради. Ҳозирги бозор шароитида табиий таркиб топган мулкӣ фарқлар, интеллектуал, ахлоқӣ ва эстетик тафовутлар халқимизнинг умумий феъл-атвор бирлигидан узоқлаштириб характерлар ранг-баранглигини юзага келтирмоқда. Бундай шароитда халқимиз ўзига хослигини белгиловчи, тотувлигини таъминловчи меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат ҳамдардлик, ўзаро беғараз ёрдамга тайёрлик, садоқат сингари фазилатларнинг одамлар орасидаги таъсири, тарбиявий кучи камайиши хавфи туғилмоқда. Аммо бозор шароитида кишилар табиатини муайян даражада ўзгартирмасдан туриб иқтисодӣ механизмларни ишга туширишнинг ҳам имкони йўқдир. Аммо бу ўзгаришлар кўламининг умуминсоний меъёрлар даражаларидан четга чиқмаслиги, миллий қадриятларимизга раҳна солмаслигига ҳушёр туришимиз лозим. Президентимиз бу хусусда алоҳида тўхталиб Ўзбекистон тараққиётининг ва бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини асослаб берди<sup>71</sup>. Бу йулнинг энг муҳим ўзига хослиги инсонни эъзозлаш, унинг маънавиятини асраш миллий қадриятларимизга, халқимиз характеридаги эзгу фазилатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, миллий анъаналар ва одатларга садоқат билан ёндашувдан иборатдир.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ демократик тузумнинг элементи ва асосий хусусияти бўлган нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, социал институтларнинг жамиятдаги ўрни фаоллашиб борди, кўп партиялилик тизими шаклланди. Ўзгариш ва янгиланиш жараёнларида миллат бирлигини таъминлаш, хайрли истиқболга умид ва ишончини шакллантириб бориш мақсадида миллий ғоя тамойилларига таянилди.

Ушбу йўналишда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ташкил этилди. Президентимиз раҳбарлигида миллий истиқлол ғоясининг тушунча ва

<sup>71</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том.-Т.:Ўзбекистон, 1996 йил

тамойиллари, унинг демократлаштириш жараёнидаги ўрни масалаларининг маънавий ва назарий асослари ишлаб чиқилди. 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан Республика маънавият ва маърифат Кенгаши миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига илмий-амалий йуналишда фаолият олиб борадиган Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий Маркази ташкил этилиши тафаккурни демократлаштириш жараёнидаги фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганидан далолат берди.

Қарорда мазкур марказнинг асосий вазифаларидан бири фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлашдан иборат деб кўрсатилган.

Жамият маънавий қиёфасини янгилашдан кўзланган бош мақсад юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувликни, диний бағрикенглик каби масалалардан иборатдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади эса, – ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат. Президентимизнинг қўйидаги сўзларидан мустақиллик йилларидаги ўзгаришларнинг моҳиятини билиб олишимиз мумкин: “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини энг муҳими жамият тафаккурининг ўзгариши билан боғлиқ”<sup>72</sup>.

Юртимизда демократлаштириш йулида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, унда фуқароларнинг демократик жараёнларни идрок этиш салоҳиятини эътиборга олиш кўппартиялилик тизимини такомиллаштиришда ҳам намоён бўлмоқда, Жамиятни босқичма-босқич ислох этиш, миллий тараққиёт модели, реал ҳаётдаги ижтимоий тафаккур босқичини эътиборга олган ҳолда сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш лозим бўлади. Кўппартиялилик тизимининг такомиллашиши ижтимоий-сиёсий ҳаётда соғлом рақобат кучайишига, фуқароларни ижтимоий фаоллиги ошиб, сиёсий онгини ошишига, давлат ва сиёсатдан бегоналашув руҳиятини йуқолишига восита бўлади. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонун” ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун» лойиҳалари бу борада катта имкониятларни яратади. Уларнинг моҳиятида давлат бошқарувида

<sup>72</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том.-Т.: Ўзбекистон, 2000 йил. 165 б.

ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишда партиялар таъсири ва ролини ошириш жамият фуқаролари ва давлат сиёсатида партияларнинг боғлаб турувчи воята сифатидаги вазифасини янада кучайтириш масалалари ётади. Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида кишилар онгида шакллантирилган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ, фаровонлиги учун масъуллик туйғуларининг амалиётда акс этиши, уларнинг реал ҳаракатларда ифодаланишида партияларнинг жамиятдаги фаолияти самарасини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида эски тузум асоратларидан, миллий табиатимизга ёт ва бегона мафкуравий қарашлардан воз кечиб, янги ҳаёт, янги жамият қуриш, унинг конституциявий асослари ва демократик принципларини қарор топтириш борасида изчиллик билан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар Президентимиз таъбирига кўра: “Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун” деган принципга мос равишда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини модернизация қилишда давлат муҳим ўрин тутиши керак. Бу хусусий тадбиркорлик Ўзбекистонда эндигина оёққа тураётгани, республика иқтисодини тубдан янгилашда давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши лозимлиги билан изоҳланади.

Давлат шахсий ва жамоавий ташаббусни қўллаб-қувватлаб, сиёсий барқарорлик ва мустаҳкам тартибни кафолатлаши керак, зотан, сиёсий барқарорлик ва тартиб таъминланмаса, ҳеч қандай модернизацияни амалга ошириб бўлмайди. Мустақиллик қўлга киритилганидан кейин Президентимизнинг сабъ-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда модернизация жараёнининг муҳим шартларидан бўлган сиёсий барқарорлик ва тартиб ҳукм сурмоқда.

Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши “маънавий уйғониш”нинг яна бир битмас туганмас манбаидир. Марказий Осиё минг йиллар мобайнида ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Бу ҳудудларни босиб олганлар Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибгина қолмай, унинг энг қимматбаҳо асори-атиқалари, шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини авайлаб қабул қилганлар.

Ўзбек халқи руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик ва умуминсонийлик чамбарчас боғланган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар миллий ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди.

Ислон миллий анъаналари маданиятининг тикланиш жараёни уни ташқаридан ҳар қандай «импорт қилишдан» воз кечиш, ислонга сиёсий тус бериш, муҳими, сиёсатга ислон руҳини бахш этишдан воз кечишнинг тўғри эканлигини кўрсатди, Мовароуннахрнинг мусулмон маданияти, этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттирди. Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз

инъикосини топган идеал – фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизда ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлиши тасодифий ҳол эмас. Конституциямизда белгилаб қўйилган динга эътиқод қилиш эркинлиги Ўзбекистон ёппасига “исломлаштирилиши” мумкинлиги ҳақидаги ноўрин ҳадиксирашларга барҳам берди. Бошқа диний оқимларнинг тикланиши ва нормал ривожланишига йўл очиб берди. Бундан ташқари, Марказий Осиёда ислом динининг руҳан ўзига хослигини англаб етиш маданий бойлигимизнинг бир қисми бўлмиш исломдан олдинги маданиятни чуқур ўрганишни ҳам тақозо қилмоқда.

Маънавий қадриятларнинг яна бир қудратли манбаи анъанавий оила ва қариндошлик муносабатлари одобидан иборатдир. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қоидалари бўлиб келган. Афсуски, совет даврида бу қадриятларга ҳам жиддий путур етди. Совет тузуми хусусий тадбиркорликни тақиқлаб, “яқинларини қўллаш”га қарши кураш баҳонасида оилалардаги ва қариндош-уруғ ичидаги касбий кўникмаларнинг мерос бўлиб ўтишини йўққа чиқарди. Оилалар ва уруғларнинг анъанавий касбий ва иқтисодий “ўрни” йўқотилишига сабабчи бўлди. Натижада бу кўникмалар ва ахлоқий нормалар тўсикқа учради. Уруғ-аймоқчилик ва ошна-оғайнигарчиликнинг ижтимоий бузуқ шакллари юзага кела бошлади. Шу билан бирга, қариндошларнинг ўзаро ёрдами баъзи ҳолларда жамият тараққиётини секинлаштириб қўядиган “тайёрга айёрликка” ва таниш-билишчиликка айланиб кетди.

Оила қадриятлари ва қон-қариндошлик муносабатларининг қайта тикланиши “ўз умрини яшаб бўлаётган” оила-уруғ муносабатларини абадийлаштиришни эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатидан эркин бўлиш имкониятини англантиши лозим. Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини ҳам англатади.

Ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларни киритамиз. Бу – инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳоказо.

Ушбу демократик қадриятлар жамиятимиз учун муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида гап кетар экан, улар ҳам тарихий, ҳам этник-маданий жиҳатдан халқимизнинг ўзига хос хусусиятларига зид эмаслигини қайта-қайта таъкидлаш лозим. Қолаверса, “тадбиркорлик”, “эркин савдо”, “ижтимоий адолат”, “ўзаро муросаю мадора” ва “бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилиш” деган тушунчалар бизнинг заминимизда тарихий илдизларга эга.

Мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг билим доирасини кенгайтирди. Маънавий тикланиш – фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги ав-лодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши демакдир. Қотиб қолган эски ақидалардан воз кечиш – ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш дегани эмас. Бу бирёқлама ва тор фикрлашдан воз кечиш демакдир. Миллий тафаккур ўз тараққиётида маданий қурилиш вазифаларига дунё микёсида ёндошиши, бошқа халқларнинг тақдири, уларнинг ўзаро муносабатлари билан қизиқиши, улар

ҳаётининг энг теран нуқталаригача кириб бориши, миллий манфаатларини ҳисобга олиши керак.

Қадимги хитой мақолида айтилишича, инсон учун энг оғир ҳол ўзгаришлар жараёнида яшашдир, шундай экан мустақилликка эришган ўзбек халқи учун ўтиш даври ҳисобланган бу йиллар, синов даври бўлиб тарихда қолади. Бу даврда яшаётганлар буюк келажак пойдеворини барпо этадиган авлод сифатида бутун масъулиятни бўйнига олиб, ватанни тараққиёт сари бошлаб борадиган байроқдор бўлишини замонни ўзи талаб қилмоқда.

Мустақиллик йилларида кимдир уни эътироф этадими, ё йўқми, бундан катъий назар ҳар бир ўзбекнинг онгида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. У бугун ўзининг тақдири ўз қўлида эканлигини, ўз ҳаракати, меҳнати билан ўз турмушини кўтаришини, ўзининг “мен”лигини таъминлаши мумкин эканлигини тушуниб етди. Бу унга мустақиллик берган улуғ неъмат. Бугунги жамиятдаги иқтисодий қийинчиликлар уни ана шу “мен”лигини англашга мажбур этди.

Энг муҳими унга ишлашни ёки ишламасликни кимдир эмас, балки ўзи ҳал этиш имконияти яратилди. Ҳар бир ўзбекнинг “мен”лигини англаш жараёни жадал суръатлар билан кетмоқда. Унга тусиқлар қуйилиши мумкин, қарама-қаршиликлар тўғри келиши мумкин, лекин уни орқага қайтариб бўлмайди, чунки жараён олдинга қараб кетмоқда.

Ҳозирда ҳар бир инсон миллат вакили сифатидаги ўз мақомини улуғлашга интилиши кучайиб бормоқда. Яъни ҳар бир инсон ўз озодлиги, ор-номуси учун қайси даражада масъул эканлигини тушуниб етаётган бўлса, унинг миллат вакили сифатидаги мақоми ҳам ана шу қадриятлари шу даражага кўтарилиши жараёнлари кучайиб бормоқда. Бу табиий ҳолат. Чунки инсоннинг асосий белгиларидан бири ҳам миллат вакили сифатидаги мақоми унинг ўз тақдирини миллат тақдири билан узвий ҳолатда тушуниш билан ҳам белгиланади.

### III. II ЎЗБЕК ХАЛҚИ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ҚИЁФАСИ ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Адолатга интилиш – халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият, адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак.*

*Ислом Каримов*

Маълумки, биз қандай жамият барпо этмоқдамиз ва бу жамиятда яшайдиган инсонларнинг маънавий қиёфаси қандай бўлади деган масала, мустақилликка эришганимиздан буён долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Бу масала Президентимизнинг асарларида ҳамда юртимиз олимларининг татқиқодларида ўзининг ифодасини топиб бормоқда. Унда қурилажак янги жамиятнинг илмий-фалсафий концепцияси ҳамда ўзбек халқи келажагини таъминлайдиган авлоднинг интилиши лозим бўлган миллий идеал муаммоси асосий масала сифатида кўриб чиқилмоқда.

Авлодларнинг табиий-тарихий алмашинуви жараёнида, бугун, шаклланаётган ёшлар келажақда халқимизнинг асосий маънавий қиёфасининг ижодий интеллектуал кучига айланадилар. Шу боисдан ҳам, ҳозирги ўзбек жамияти бир идеалга муҳтожлик сезмоқда. Ёшлар учун намуна бўла оладиган идеал яратилиши лозим. Бу эса комил инсон ғояси доимо устувор бўлиб келган халқимиз учун сув ва ҳаводек зарурдир. Президентимиз “Комил инсон деганда биз, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади”<sup>73</sup>. Комил инсонни тарбия қилиш ўзбек халқининг келажаги учун жуда муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олган давлатимиз бу борада катта ишларни амалга оширмоқда. Ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг муҳим бир таркибий қисми даражасига кўтарилди. Ёшларни янада бирлаштириш мақсадида, бир неча нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил этилди. Шулардан энг йириги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатидир. Бу ҳаракат Президентимиз Ислом Каримов таъкидлашича: “ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидларига йўл очиб, уларнинг ҳаётий манфаатларини қатъият билан ҳимоя этиши, бошқача айтганда, давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-ташвишларини, орзу-интилишлари ва муаммоларини эса давлат ташкилотларига етказиб туриши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши зарур”<sup>74</sup>. “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам” ғояси ёшлар онгига сингиши, соғлом миллий ғурурни шаклланиши жуда муҳим.

Миллий тафаккуримизнинг энг кучли ва энг заиф жиҳатлари нималардан иборат?. Республикамизда математика, биология, микробиология, кимё, физика ва медицинанинг баъзи тармоқларида салмоқли салоҳият барпо этилган. Бундан

<sup>73</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажақ йўқ. Т.: Ўзбекистон. 1998 й. 6 б

<sup>74</sup> Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т 9. – Т., 2000. –217–218-б.

билишимиз мумкинки, миллатнинг илмий-табiiй тафаккури анча ривожланган, лекин ижтимоий-гуманитар фанлар мафкуралашиб, сиёсийлашиб кетди.

Иқтисодий тафаккуримиз социализм даврида мулкдан бегоналашуви натижасида қолоқ бўлиб қолди. Бу ислохотларни юзага чиқишига тўсқинлик қилувчи энг катта тўғондир. Янги иқтисодий тафаккурни, меҳнатга тамомила бошқача муносабатни жамият миқёсида шакллантириш нисбатан узоқ муддатни талаб этади. Бунинг учун иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, ҳақиқий рақобат муҳитини юзага келтириш, иккинчидан, таълим тарбияда иқтисодиёт илмига етарлича эътибор зарур. Индустириал меҳнатга муносабат ҳам юксак ривожланган мамлакатлар аҳолисиникидан ортда, бу албатта халқимизнинг қобилияти билан боғлиқ эмас. Унинг тарихий объектив сабаблари бор. Совет даврида инсонга социомумининг пирвиқор биносини барпо этишда оддий “мурватчанинг қурилиш ғишти”<sup>75</sup> сифатида қаралди. Инсон ноиндивидуалаштирилди, ўз мақсадидан маҳрум қилинди. У бир томондан оддий буюмга, ижтимоий қурилиш материалига айланиб қолди, иккинчи томондан амалга оширилаётган “буюк қурилиш”нинг инсон учун қурилаётгани уқтирилди. Аммо инсон ўзининг чорасизлигини, “буюк қурилиш”нинг воситаси эканини ҳар дақиқа сезар, ўзини мамлакатни эгаси деб ҳисобламас эди. Буларнинг натижасида ҳар бир алоҳида шахсда ҳам, бутун миллатларда ҳам миллий номукаммаллик туйғусини шакллантиради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки бугунги кунда ўзбек қадрини урф-одат ва маросимларимизнинг аънавий ўзига хос томонлари жонланаётган бир тарихий жараёнда маънавий қиёфадаги жамоавийликка хос меъёрий боғлиқлик фазилатини сақлаган ҳолда, унинг бир қадар индивидуаллашуви, унда жавобгарлик ҳиссини ривожлантириш, ўзи учун ўзи ҳисоб бера олиш, мустақил иш тутиш, шахсий масъуллик сингари хусусиятларни янада такомиллаштириш зарур. Шу ўринда афсус билан айтиш керакки, ўзбек халқининг бир юз эллик йиллик мустамлака даврида йўқотган қадриятлари сақлаб қолишга эришилган қадриятларидан бир неча ҳисса кўп бўлди.

Бугунги ўзбек маънавий қиёфаси бозор муносабатлари ҳамда ҳозирги замон инфорацион интеллектуал технологияларининг устиворлиги даврида яна қандай муҳим хусусиятларга эга бўлиши зарур? Ўзгараётган замон ва янгиланаётган макон дунё халқлари феъл-атвори тизимида саъйи-ҳаракатларда тезкорлик, топқирлик ва айнаи чоғда ҳар бир ишда режавийлик, пухта тайёргарлик, фаҳм-фаросат, муаммоларни ҳамкорлик асосида хал этиш хусусиятларини ривож топишини тақозо этмоқда. Шунингдек, шахс ва жамият, шахс ва давлат муносабатлари тизимида алоҳида субъектлар, инсонлар ролининг бениҳоя ошиб бориши кузатилмоқда. Ана шу муносабат билан И. Каримов халқимиз характерида прагматистик, экзистенциалистик ҳамда рационалистик хусусиятларни шакллантириш ва ривожлантириш зарурлигини илгари сурди. Маълумки, прагматизм - ҳаракат, интилиш маъноларини ифодалаб, шу ҳаракат орқали муайян фойда, манфаатларга эга бўлишни, шахснинг мақсадли саъй-ҳаракатлари, фаолиятлари унга меҳнатига мувофиқ, наф, фойда

<sup>75</sup> Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. Маънавият, 2007 й, 132 б

келтиришини ифода этади. Ғарб кишиси табиатан индивидуалист бўлиб, манфаат омили унинг барча ҳаракатларини фаоллаштиради, фаол шахс саъй-ҳаракатлари учун асосий мезон вазифасини ўтайди. Бизда эса, шахсий фойда излаш бошқалардан кўра, ўзини кўпроқ, уйлаб иш тутиш одоб доирасидан четдаги ҳол саналиб, кишини жамоадан бегоналаштирувчи, уни гуёки худбин қилиб қўювчи омил вазифасини бажариб келган.

Бозор эртами, кечми одамларда ўзига хос тафаккурни шаклланишига мажбур этади. Бунда биз маърифатлашган тафаккур шаклини шакллантиришга эътиборни қаратишимиз керак. У нималарга асосланиши керак:

- Моддий бойлик орттиришда қонунларни четлаб ўтиш эмас, балки унга қатъий амал қилишга асосланиши;
- Миллий, оилавий қариндош уруғчилик, авлод аجدодлардан мерос бўлиб қолган қадриятларнинг барбод бўлишига олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;
- Моддий бойликка эришишда ҳалоллик, иймонли бўлиш, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмаслик, эътиқодли бўлиш, дўст-биродарлар ўртасида ўзаро ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш ва шу қабилабни қамраб олади.

Бозор муносабатлари инсонни тартибли ҳаётга ундайди, фикрлаб иш тутишга, тадбиркорликка даъват этади. Бозор ҳамма нарсага онгли ёндошувни, оқиллик билан муносабатда бўлишни талаб этади. Меъёрсиз бағрикенглик, хотамтойлик, саховатпешалик, агар лозим бўлса серчиқимлилик, ҳисобсиз сарф-харажат қилишга мойиллик сингари одатларимизни маълум даражада чеклайди. Ҳар нарсага ақл кўзи билан қараш аста-секин турмушнинг бош тамойилига айланиб боради. Бу эса юртбошимиз таъкидлаган экзистенциалистик<sup>76</sup>, яъни ҳаётга бугунги талаблардан келиб чиқиб, ҳушёр ва оқилона ёндошувларни ёшларимиз феъл-атворларига сингдириш нечоғли долзарблигини янада равшан кўрсатади. Одатий ҳаёт тарзимизда биз ўзимизни доимий экзистенция ҳолатида, яъни яшашга масъул ва яшаётган шахс сифатида мунтазам ҳис этиб турмаймиз. Биз ўзимизни эмас, кўпроқ, бошқаларни кузатишга, кузатаётганда ҳам онгли, тизимий эмас, бетартиб қайд этиб юришга мойилмиз. Экзистенциалистик ёндошув инсонни онгли, ҳушёр, сергак, ўзини тирик, оқил мавжудот сифатида доимий англаш ва ҳис этиб туришга ундовчи кучдир. Бундай ёндошув инсонда ўзини ўзи доимий тарзда янгилаб бориш, ташқи шарт-шароитларга мослашувчанлик, ўзини ўзи муҳофаза эта билиш, мунтазам равишда такомиллашувга эҳтиёж сезиш хусусиятларини таркиб топтиради. Экзистенциалистик ёндошув кишини конформизмдан, яъни ҳамма нарсага кўниб кетаверишдан, ортиқча қаноатдан, бефарқлик ва лоқайдликларга берилишдан ҳалос бўлишга, ўз сўзи, ўз нуқтаи-назари, эътиқодига қатъий ва барқарор бўлишликка даъват этади. Экзистенциализм ўз сўзи, иши ва тақдири учун масъуллик ҳиссини ҳам таркиб топтиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур ғоя улуғ аждодимиз Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳар бир инсон у дунё ва бу дунёдаги тақдирини "ўзи яратади, инсон эркинлиги, ҳурлигини таъминловчи куч - ҳар бир ҳаётнинг вазиятда оқилона меъёр, муросавий мувозанатни таъминлай билиш

<sup>76</sup> Ислон Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.. Т.: Шарқ, 1998 й. 74 б.

тамоийилларига риоя қила олишдан иборатдир" деган концепсиясига айна мувофиқлигини ҳамда инсоннинг ҳар ишга қодирлиги ва масъуллиги ғоясининг мамлакатимиз тарихида маънавий пойдевори мавжудлигини кўрсатади. Шу боисдан ҳам тарбиявий фаолиятларимизда халқимиз маънавий мероси, хотирасида тарихан мавжуд бўлган миллий фазилатлармизни қайтадан тиклаш ва бугунги кунимизга хизмат қилдириш йулидан боришимиз зарурдир.

Ўзбек маънавий-руҳий истикболда ўзгариши зарур бўлган яна бир жиҳат — бу халқ табиатидаги жамоавийлик ва индивидуализм омилларининг нисбатидир. Маълумки, ғарбда шахс жамоага ўзлигини юзага чиқариш, истеъдоди ва имкониятларини намойиш этиш, муайян мақсадларга эришиш воситаси сифатида қарайди. Жамоа инсон ички, ботиний дунёси, руҳияти шахсий ҳаётига мутлақо аралашмайди. Шарқда эса, жамоа асосан инсонни ижтимоий назорат остида тутиб туриш, шахснинг жамоалардаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлар доирасида иш туташганлигининг исботи сифатида талқин этилади. Жамоадан айрича иш тутиш инсоннинг ижтимоий бегоналашуви сифатида қаралади. Аммо жамоавийлик нисбатининг мутлоқлаштирилиши шахс эркинлиги ва озодлигига хавф туғдириш мумкин. Шу боисдан ҳам ўзбек маънавий қиёфасида жамоавийликка меъёрий боғлиқлик фазилатини сақлаган ҳолда унинг бир қадар индивидуллашуви, жавобгарлик ҳиссини ривожлантириш, ўзи учун ўзи ҳисоб бера олиши, мустақил иш тутиш, шахсий масъулият сингари хусусиятларини янада такомиллаштириш зарурдир. Аммо шу ўринда таъкидлаш жоизки, инсон феълида индивидуалистик табиатнинг кучайиши уни урф-одатлар, маросим ва анъаналар билан бошқариш самарадорлигини пасайтиради. Инсон ўзига бевосита наф келтирувчи удумлар, расм-русумлар билан яшашга ўта бошлайди. Дарҳақиқат, ҳар қандай одатлар, маросимлар кишиларга фойдали бўлганлиги учун ҳам яшовчандир. Одамлар ҳаётини оғирлаштирувчи, уларни қийин иқтисодий, моддий-маънавий ҳолатларга солиб кўювчи расм-русумлар эса жамиятнинг нечоғли ривожланишига кўра асте-секин барҳам топа боради. Жамиятнинг интеллектуал-маънавий даражаси қанча юқори бўлса, қонунларнинг ўрни ва роли муттасил орта боради. Шу боисдан ҳам атоқли немис социологи Зиммель, одамларни уларнинг тараққиёт даражасига кўра уч хил бошқариш мавжуд деган фикрни олға суради. Баъзиларни, дейди у, - шахсий намуналар, кўрсатмалар билан, бошқаларни урф-одатлар, расм-русум ва анъаналар билан бошқариш, энг ривожланганларини эса, фақат қонунлар воситасидагина бошқариш мумкин дейди.

Дарҳақиқат ривожланган Ғарб мамлакатларида халқ, анъаналари, урф-одатлари фақат маиший турмуш доираларида амал қилиб, бир қадар чекланган бўлиб, фуқароларнинг кенг кўламлардаги ҳаёт тарзи, давлат ва жамият тузилмалари, ижтимоий муносабатлар тизими асосан қонунлар воситасида бошқарилади. Юксак ривожланган анъанавий шарқ мамлакатлари - Япония, Сингапур, Жанубий Корея сингари мамлакатларда ҳам халқ, одатлари, анъаналарнинг жамият ҳаётидаги мавқеига нисбатан қонунлар таъсирининг салмоғи жуда юқоридир. Шундай экан, мамлакатимизда ҳам умумий иқтисодий, технологик ва маънавий тараққиётимиз даражаси нечоғли юқорилаб бориши билан жамият ҳаётида қонунларнинг ўрни ва роли шунчалик ортиб бориши табиий ҳолдир.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, суверен давлатчилиқни шакллантиришда маданиятимиз сарчашмаларига, теран ва улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш, боқий тарихий ўтмишимизда мавжуд бўлган барча эзгуликларни юзага чиқариш ҳамда ривожлантиришга бекиёс имкониятлар очилди. Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик жамият барпо этмоқдамиз. Давлатчилигимиз адолат принципига таянади. “Адолатга интилиш – халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият, адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак”<sup>77</sup>.

Мустақиллик туфайли маънавий кадриятларнинг тикланиши учун кенг имкониятлар очилди. Аммо ҳар қандай кадриятни “орқа-олдига қарамай” тиклаб бўлмайди, чунки тарихнинг ғилдирагини орқага айлантиришнинг имкони йўқ. Янгиланиш учун аҳолининг маънавий қиёфасига мос, ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб таҳлил қилиб, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, тараққиётига хизмат қилувчиларини танлаб олиш даркор.

Ушбу нуқтаи назардан Ўзбекистон фуқароларининг маънавиятини янгилаш борасида истиқболда бирқанча муаммоларни эътиборга олиш лозим. Улар қуйидагилар:

- аҳолининг кўп миллатли эканлиги, миллий таркиби ва ҳар бир миллат вакиллари менталитетининг ўзига хос хусусиятлари борки, улар билан ҳисоблашиш керак;

- аҳоли асосий қисмининг эътиқоди ва турмуш тарзи ислом дини билан боғлиқ бўлишига қарамай, мамлакатда бирқанча бошқа диний конфессиялар ҳам мавжудки, у диний бағрикенгликка эътиборни кучайтиришни талаб қилади;

- маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик анъаналари ҳанузгача ривожланишга маълум даражада салбий таъсир кўрсатиб келмоқда;

- шахсий феъл-атвор, юриш-туриш, муомала маданиятига жамоатчилик фик-рининг таъсири анча кучли;

- жамиятда оиланинг мавқеи алоҳида ўрин тутди;

- тўй-ҳашам, маъракаларга баъзида имконият даражасидан ортиқча эътибор берилиши аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади;

- ота-онага, умуман катталарга ҳурмат баъзида эътирозсиз тобелик билан уйғунлашиб, ёшларнинг ташаббус кўрсатишини чеклаб қўйди ва ҳоказо.

Бугунги кунда Ер шарида кечаётган бошқа бир муҳим жараён глобаллашув жараёни натижасида жаҳон халқлари учун умумий этикет, умумий феъл-атвор, умумий менталитет шаклланмоқда ва бунга бевосита жаҳон миқёсида кетаётган сиёсий, иқтисодий ва ахборот борасидаги глобаллашув анча кучли таъсир қилмоқда. Бундай глобаллашув, яъни бир хиллашув муайян ижобий натижалар беришига қарамасдан, кўплаб салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда. Бу шарқнинг гавҳари бўлган ўзбек халқининг маънавий қиёфасига ҳам бевосита ҳамда билвосита таъсир кўрсатмоқда. Натижада глобаллашув оқибатида ўзбекларнинг маънавий оламига хос кўплаб кадриятлари, маросим ва удумлари унутилишига сабаб бўлмоқда.

<sup>77</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т., 1998 й. 399-бет.

Глобаллашув халқларнинг маънавий-руҳий қиёфаларига салбий таъсир этмоқда. Бунинг учун ҳар бир халқнинг ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қаратилган миллий маънавий-руҳий салоҳиятини шакллантириш зарурати туғилмоқда. Бу эса ўз ўзидан маънавий қиёфани миллий асосларда шакллантириш катта аҳамият касб этишидан далолатдир.

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: “Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади”<sup>78</sup>. Ўзининг мустақил фикри бўлмаган кишининг тафаккури қарам бўлади. Мустамлака даврида сингдирилган “қуллик” психологиясини ўзгартириш осон эмас, бир вақтлар Мусо пайғамбар ўз миллатидаги қуллик характерини йўқотиш учун халқини 40 йил саргардонлик, ватангодоликда олиб юрди, азобдан ўтказди. Бу бир авлод алмашувини англатади. Ҳозир эса шароит бошқача, XXI асрда барча технологиялар ривожланган шароитда халқни янгича характерини яратиш имконияти бор. Бу ўзгаришлар ўзбек халқини буюк келажак сари бошлаши, асрлар давомида орзу қилиб келган адолатли жамиятга олиб бориши учун ҳар бир фуқаро ҳаракат қилиши, буни ўзи учун ҳам қарз, ҳам фарз деб билиши керак.

---

<sup>78</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: Ўзбекистон. 1996. 34 б

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, ҳуқуқий давлат куриш, қонун устуворлигини ўрнатиш, ялпи маънавий тикланиш жараёнлари, фуқаровий жамият ва комил инсон шахсини таркиб топтириш вазифалари, биринчи навбатда маънавий-руҳий қиёфани миллий асосларда шакллантириш талабини зарурат сифатида кун тартибига қўйди. Ўзгараётган Ўзбекистон келажаги озод ва онгли фикрловчи фуқароларнинг эркин тафаккур тарзи, уларнинг янгиликка ташна бунёдкорлик руҳи ҳамда фақат ўзгарган ўзбек маънавий қиёфаси воситасида яратилиши шубҳасиздир.

Шу боисдан ҳам, Президентимиз И. Каримов илгари сурган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, озод ва онгли шахс маънавиятини таркиб топтириш дастурлари пировард натижада юртимизда қонун устуворлиги руҳини мустаҳкам қарор топтириш, аҳолини миллий истиқлол йулидан мақсадли бошқариш орқали амалга ошади. Бу тажриба мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган туб ислохотлар маънавий қиёфадаги ижобий ўзгаришлар ва фуқароларимизда демократик тафаккур шаклланишига замин бўлаётганида намоён бўлмоқда.

Жамиятимизга хос маънавий қиёфада истиқлол йилларида руй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар асосида шаклланган демократик тафаккур тамойиллари ўз аксини топмоқда. Собиқ иттифоқ давридаги фикр қуллиги ва тафаккур қарамлигидан халос бўлиш, Конституция ва қонун устуворлигини чуқур англаш ва бунга амал қилиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва виждон эркинлигининг кафолатлангани, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошиб бориши, кўппартиявийлик ва жамоат ташкилотлари фаолияти, эркин бозор муносабатларга хос тафаккур тарзи шаклланаётгани бу борадаги асосий натижа ва ютуқлардир. Аммо бу йўналишда жамият ва фуқаролар томонидан ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифалар жуда кўп: “ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлимизда ғов бўлиб турган тусиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак. Бугунги ҳаётда мана шундай ёндашувни заминнинг ўзи тақозо этмоқда ва бу кескин талаблардан бош тортиб булмайди. Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиқот ҳақида эмас, балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгида мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда”<sup>79</sup> Ушбу вазифалар эса ҳали бу соҳада олиб борилиши лозим бўлган кенг қамровли ишларни тақозо этади.

XXI аср ўзбек халқининг маънавий-руҳий қиёфаси том маънода янгича мазмун касб этадиган давр бўлиб қолади. Жамият маънавий қиёфасини янгилашдан кўзланган бош мақсад эса, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби масалалар бўлиб қолади.

<sup>79</sup> Каримов И.А. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари энг олий қадрият. 14 том Т.: Ўзбекистон, 2006 й. 143 б

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

### РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 2008 й.
2. Мустақиллик декларацияси, 1990 йил 20 июнь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 август Қонуни.
4. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” ги Қонун. 1991 йил.
5. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси 18.11.1991 й. 414-ХП -сон Қонуни)
6. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси 02.09.1993 й. 913-ХП-сон Қонуни)
7. "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроги тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси 18.11.1991 й. 407-ХП-сон Қонуни)
8. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мадҳияси тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси 10.12.1992 й. 768-ХП-сон Қонуни)
9. "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси 02.07.1992 й. 616-ХП-сон Қонуни)
10. Давлат тили ҳақида (янги таҳрирда) (Ўзбекистон Республикаси 21.12.1995 й. 167-І-сон Қонуни)
11. Республика “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини тузиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1994 йил, 23 апрель Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 30.08.1995 й. 103-І-сонли Қонуни)
13. Адвокатура тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 27.12.1996 й. 349-І-сон Қонуни)
14. “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1996 йил, 9 сентябрь Фармони.
15. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонуни Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.
16. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 31-60-б.
17. "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси 24.04.1997 й. 400-І-сон Қонуни)
18. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 26.12.1997 й. 541-І-сон Қонуни
19. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси (Ўзбекистон Республикаси 30.04.1998 й. 607-І-сон Қонуни билан тасдиқланган)
20. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 31-60-б.

21. “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази қошидаги “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 28 сентябрь Қарори.
22. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири)-Т.: Адолат. 1998 йил.
23. “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июл Қарори
24. “Тошкент Ислом Университетини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1999 йил 7 апрель фармони.
25. “Республика Маънавият ва Маърифат Кенгашини қўллаб қувватлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1999 йил, 3 сентябрь Фармони.
26. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон янги қонунлари. 21-сон. Т. “Адолат” 1999й.
27. Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисидаги Қонуни. (Янги таҳрири) (Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2001 йил 30 август 265-П-сон)
28. Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишнинг асосий принциплари тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 02.04.2002 й. 350-П-сон Конституциявий қонуни)
29. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси 25.05.2000 й. 69-П-сон Қонуни)
30. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-П-сон Конституциявий Қонуни)
31. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-П-сон Конституциявий Қонуни)
32. "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 446-П-сон қонуни)
33. ."Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 520-П-сон Қонуни)
34. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) (Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-П-сон Қонуни)
35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Обод маҳалла йили” дастури тўғрисидаги қарори. // Фидокор. 2003й. 11 феврал.
36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи ,2 август 2005
37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” ги “Халқ сўзи”, 2006 йил 10 октябрь.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” ги “Халқ сўзи”, 2006 йил 10 октябрь.
39. “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 август Қарори.
40. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиришлар киритиш ҳақида. 08.04.2007 й.
41. “Ҳомийлик тўғрисида” 02.05. 2007 й.
42. Музейлар тўғрисида 12.09.2008 й.
43. Фуқароларни банкдаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида 06.04.2009 й.

### ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том.-Т.:Ўзбекистон, 1996 йил.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин 2-том.-Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том.-Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том.-Т.: Ўзбекстон, 1996 йил.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр. 5-том.-Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида 6-том.-Т.: Ўзбекистон, 1998 йил.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-том.-Т.: Ўзбекистон, 1998 йил. .
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том.-Т.: Ўзбекистон, 2000 йил.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том.-Т.: Ўзбекистон, 2001 йил.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том.-Т.: Ўзбекистон, 2002 йил.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том.-Т.: Ўзбекистон. 2003 йил.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч – қудратимиз, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том.-Т.: Ўзбекистон, 2004 йил.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том.-Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.
14. Каримов И.А. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари энг олий қадрият. 14 том Т.: Ўзбекистон, 2006 йил.
15. Каримов И.А. жамиятимизни эркинлаштириш ислохотларни чуқурлаштириш маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш

- барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15 том Т.: Ўзбекистон, 2007 йил.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16 том Т.: Ўзбекистон, 2008 йил.
  17. Каримов И.А. 17 том Т.: Ўзбекистон, 2009 йил.
  18. Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008.
  19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009.

## УМУМИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. Тошкент, “Маънавият”, 1999.
2. Алимов Х. Миллийлик ва ижтимоий рухият. Т. 1992й.
3. Алиев А. Маънавият қадрият ва бадиият. Тошкент, “Академия”, 2000.
4. Х. А. Аминов. Миллийлик ва ижтимоий рухият. Т. 1992й
5. Азизхўжаев А. Давлатчилик ва маънавият. Тошкент, 1997.
6. Андреева Г.М. Социальная психология. М. 1987й.
7. Арутюян Ю.В. Этносоциология. М. 1984й.
8. Бауэр О. Национальный вопрос и социал-демократия.- С.-Петербург: 1990
9. Бегматов А. Маънавият фалсафаси.-Т.: «Шарқ». 2000.
10. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. -Т.: «Янги аср авлоди».2004.
11. Бердяев Н. Смысл истории. Москва: Мысль, 1990.-
12. Бобоев Х, Дўстжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто”Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги.Тошкент 2004.
13. Буюк сиймолар, алломалар. Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишандлар) 1-3 китоб. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996-1997.
14. Бўронов Қ. Халқимиз маънавияти ва маърифатининг теран илдизлари. Тошкент, “ФАН”, 2003.
15. Гнатенко П.И., Кострюкова Л.О.Национальная психология:
16. Давлатова С. Т. Ўзбек миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. – Т.: Янги аср авлоди, 2006
17. Жабборов И.Ўзбек халқ этнографияси . Т. 1994 й.
18. Жабборов И. Ўзбеклар. Турмуш тарзи ва маданияти Т. 2005
19. Жакбаров М Комил инсонғояси. «Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти» 2002
20. Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти. Тошкент, 1994.
21. Жандильдин Н. Природа национальной психологии. - Алма-Ата: 1971.
22. Жумабоев Й.Ж. Ўзбекистон фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Тошкент, “Ўқитувчи”, “Зиё нур”, 1997.
23. Жумабоев Й.Ж. Ҳаёт мазмуни ва комил инсон муаммоси. Тошкент, 1997.
24. Жўраев Н. Уйғоқ нигоҳ. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
25. Жўраев Н. Ўзлигинингни англаш мавриди. Т.: Ўзбекистон, 1990.
26. Жўраев Н. Юксалиш. - Т.: Ўзбекистон, 1995

27. Жураев Н . Янгиланишлар концепцияси. Т. 2000
28. Зиёмухамедов Б. Маърифат асослари. Тошкент, 1998.
29. Зиёмухаммедов Б. Комил инсон. Т. 2007
30. Ғозиев Э. Муомила психологияси Т.2001 й.
31. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар, миллий давлатчилигимиз тарихи. Т.: 2003 й
32. Иброхимов А. Ўзбек маҳалласи Т.: 2002
33. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Тошкент,“Шарқ”, 1998.
34. Имомназаров М, Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. Тошкент, “Тошкент ислом университети”, 2001.
35. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент, “Шарқ”,1996.
36. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. Тошкент, “Тошкент ислом университети”, 2005.
37. Ислом энциклопедия. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Тошкент, 2004
38. Исҳоқов М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал. Тошкент, 2000
39. Иброҳим.Каримов Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Тошкент, “Фан”,2007.
40. Иброҳим.Каримов Комил маънавият-мустақиллик таянчи. Тошкент,1997.
41. Махмудов Т. “Авесто” ҳақида. Тошкент “Шарқ”, 2000.
42. Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур Т.: 2008
43. Мусурмонова О. Мустиқиллик шароитида оила ва шахс камолоти. Тошкент,1993.
44. Мусурмонова О.Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент, 1996.
45. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (аксиология).-Т.: 2004
46. Каримова В. М. Ижтимоий психология асослари. Т. 1994й.
47. Каримова В. М. Психология Т. 2000 й.
48. Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт.-Т.: «Фан».2001.
49. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент “Ёзувчи”,1996.
50. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тошкент “Ёзувчи”,1999.
51. Комилов Н. Тафаккур қарвонлари.-Т.: «Маънавият». 1998
52. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Т.: Маънавият, 2002
53. Қодиров А. Анъанавий жамиятни модернизация қилиш стратегияси. Т.: 2008
54. Қувватов Н. Ўтиш даври тафаккури Т.: 2006
55. Қуроноф М. Ўзбек характери ва миллий ғоя.-Т.: «Маънавият» 2005.
56. Қуроноф М. Миллий тарбия Т. 2006
57. Отамуратов Саъдулла, Отамуратов Сарвар. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. (Социал-фалсафий таҳлил) Тошкент, “Янги аср авлоди”,2003.
58. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. (Сиёсий –фалсафий қирралари). Тошкент, “Академия”,2005.
59. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). Тошкент.“Янги аср авлоди”, 2008.
60. Отамуратов С. Сиёсат ва жамиятнинг маънавий маданияти мавзусидаги матнига услубий кўрсатма. Тошкент, 1996.
61. Очилдиев А. Миллатлараро тотувлик ва барқарорлик.-Т.: 2005.

62. Саидов А. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонaviйлаштириш. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Т. “Ўзбекистон” 2001й.
63. Саифназаров И. Бозор иқтисодиёти ва шахс камолоти. Тошкент, 1996.
64. Сатторова Г. Миллий характер ва бадий тафаккур Т.: 2002
65. Содиқова Н. XIX – XX асрларда ўзбек миллий кийимлари. – Т.: Шарқ, 2001
66. Стефаненко.Т. Г. Этнопсихология. М. 1999й.
67. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Тошкент “Ўзбекистон”,1997.
68. Тоҳир Карим. Миллий тафаккур тарихидан. Тошкент, “Чўлпон” 2003.
69. Темур тузуклари. Т. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991
70. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент, “Ўзбекистон”,1998.
71. Туленов Ж., Ғафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент, 1995.
72. Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси Т.: 1998.
73. Турон Усмон Туркий халқлар мафкураси 1959.
74. Усмон Турор. Тасаввуф тарихи. Т: “Истиқлол” 1999 йил
75. Усмонов У., Одилқориев Х. Тарих ғоя ва конун «Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти» 2002
76. Хўжа Аббос ўғли. Миллий ифтихор. Тошкент,1995.
77. Худойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология. Т. 1994 й.
78. Хўжамуродов Н. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзлигини англаш. Тошкент, 1991.
79. Шарқиев С. Ўзбек онги чизгилари Т.: 1993
80. Чориев А.Ч. Инсон фалсафаси. Мустақил шахс.2-китоб.-Т.: 2002
81. Чориев А.Ч., Чориев С.А. Миллатлараро муносабатлар маданияти.- Қарши, 1993.
82. Чориев С. Инсонпарвар, демократик жамият мафкураси ва баркамол инсон шахсини шакллантириш
83. Шайхова Х.О., Назаров К. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот.Тошкент, 1992.
84. Эркаев А. Маънавият-миллат нишони. Тошкент “Маънавият”,1999.
85. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. Тошкент, “Маънавият”, 2002.
86. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги . Тошкент, 2008
87. Эркаев А. Миллий ғоя моҳияти Т.: 2006
88. Фитрат А. Мухтасар ислом тарихи. Тошкент: Янги аср авлоди, 2004
89. Фитрат А. Оила. Т.: Маънавият, 2000.-112 б.
90. Фитрат А. Танланган асарлар. I ва II жилдлар. Т.: Маънавият, 2000.-
91. Фитрат. Нажот йўли. Т.: Шарқ, 2001.
92. Фромм Э. Бегство от свободы.- М.:1990.
93. Фромм Э. Здоровое общество.//Психоанализ и культура.-М.:1995
94. Ўзбекистонликларни миллий ўзлиги 2004 йил Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тамонидан ўтказилган социологик татқиқод

#### **ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР**

1. Бабилаев А.Н. Национальная психология как явление общественной жизни:

- Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – М.: 1991.
2. Гаппиров Б.Т. Талабаларда ахлоқий ўз-ўзини англашнинг ўқув жараёнидаги динамик тараққиёти: Псих.фанл.номз. ... дисс. – Т.: 1993.
  3. Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Пед.фанл.докт. дисс. – Т.: 2000.
  4. Қуроноф М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Пед.фанл.докт. ... дисс. - Т.: 1998.
  5. Қосимова З.Х. Талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари (Олий ўқув юртлари маънавий-маърифий ишлари мисолида): Пед.фанл.номз. ... дисс. – Т.: 2004.
  6. Қосимов У.А. Комил инсоннинг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Псих.фанл.номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2004.

### **ИНТЕРНЕТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

1. [www.press-service.uz/rus/documents/](http://www.press-service.uz/rus/documents/) - Пресс служба Президента Республики Узбекистан. Указы • Постановления • Распоряжения
2. [www.edunet.uz/index.php](http://www.edunet.uz/index.php) - Межшкольный Ресурсный Центр (МРЦ)
3. [www.mtrk.uz/ru/news/](http://www.mtrk.uz/ru/news/) - национальная телерадиокомпания Узбекистана
4. [www.mfa.uz/](http://www.mfa.uz/) - Министерство иностранных дел Республики Узбекистан
5. [www.tiu.uz/index.php](http://www.tiu.uz/index.php) - Ташкентский исламский университет
6. [www.el.uz/cgi-bin/contacts.cgi](http://www.el.uz/cgi-bin/contacts.cgi) - ELXOLDING - производство и поставка учебно-лабораторного оборудования
7. [www.madaniyat.sport.uz](http://www.madaniyat.sport.uz) - Министерство по делам культуры и спорта республики Узбекистан
8. [www.gov.uz/ru/](http://www.gov.uz/ru/) - портал государственной власти
9. [www.pv.uz](http://www.pv.uz) - социально-экономическая и общественно - политическая газета Республики Узбекистан "Правда Востока"
10. [www.uzlidep.uz](http://www.uzlidep.uz) - УзЛиДеп
11. [www.vak.uz](http://www.vak.uz) - Высшая аттестационная комиссия при Кабинете Министров Республики Узбекистан
12. [www.aci.uz/ru/news/](http://www.aci.uz/ru/news/) - Законодательная Палата Олий Мажлиса Республики Узбекистан
13. [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz) - Координационный Совет по развитию компьютеризации и Информационно-Компьютерным Технологиям
14. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) - Национальное информационное агентство Узбекистана
15. [www.uztelecom.uz](http://www.uztelecom.uz) - АК «Узбектелеком»
16. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz) - Информационно-аналитический журнал «infoCom.UZ»
17. [www.xabar.cc.uz](http://www.xabar.cc.uz) - Газета «Хабар»
18. [www.jahon.mfa.uz](http://www.jahon.mfa.uz) - Информационное агентство «Жахон»
19. [www.rulers.narod.ru](http://www.rulers.narod.ru) - всемирная история в лицах
20. [www.istorya.ru](http://www.istorya.ru) - история России
21. [www.hrono.ru](http://www.hrono.ru) - Хронос и Содружество литературных проектов, история в датах и лицах
22. [www.historic.ru](http://www.historic.ru) - Цифровые библиотеки на CD почтой от Historic.Ru

## МУНДАРИЖА

### КИРИШ \_\_\_\_\_ 3-6

#### **I-БОБ Маънавий-руҳий қиёфа тушунчаси, структураси ва функциялари**

- I.I Маънавий-руҳий қиёфа тушунчаси \_\_\_\_\_ 4- 13  
I.II Маънавий-руҳий қиёфа структураси ва функциялари \_\_\_\_\_ 14- 22

#### **II БОБ Маънавий-руҳий қиёфанинг миллий асослари**

- II.I Ўзбек халқи маънавий-руҳий қиёфасининг ўзига хос жиҳатлари  
унинг тарихий илдишлари \_\_\_\_\_ 23-30  
II.II Миллат руҳиятини миллий ғояда намоён бўлиши \_\_\_\_\_ 31-38

#### **III БОБ Ўзбекистонда демократик жамият қуриш концепция амалиётида халқ маънавий-қиёфасининг ўрни**

- III.I Мустақиллик даврида ўзбек халқининг маънавий-руҳий  
қиёфасидаги ўзгаришлар ва уларнинг демократик жамият  
қуришдаги аҳамияти \_\_\_\_\_ 39-46  
III.II Ўзбек халқи маънавий-руҳий қиёфаси такомиллашувининг  
истикболлари \_\_\_\_\_ 47-52

- ХУЛОСА:** қисқача илмий хулосалар ва аниқ амалий тавсиялар \_\_\_\_\_ 53-55  
**Фойдаланилган адабиётлар руйхати** \_\_\_\_\_ 56-61